

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **“СТОМАТОЛОГИЯ”**

**Йўналиши**

**“СТОМАТОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ  
ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ**

**МАЖМУА**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_\_  
йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва  
дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** Тошкент давлат стоматология институтини  
т.ф.д., профессор Н.Л.Хабилов  
Тошкент давлат стоматология институтини госпитал  
ортопедик стоматология доценти М.Т.Сафаров, Храмова.Н.В

**Такризчилар:** Стоматология институти Госпитал терапевтик стоматология  
кафедраси мудири профессор Х.П.Комилов  
ТошВМОИ Стоматология №1 кафедраси мудири  
профессор А.С.Алимов

*Ўқув-услубий мажмуда Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 201\_\_  
йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I.Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III Назарий материаллар .....	19
IV. Амалий машғулот материаллар.....	91
V. Кейслар банки.....	100
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	109
VII. Глоссарий .....	110
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	114

# **І ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги –Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида‖ ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини

ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнингмақсади.** Стоматологик фанларни ўқитишида халқаро тажрибаларнинг ўрни. Шифокор педагогларга нисбатан замонавий талаблар. Таълим технологияларини ўқув жараёнинг тадбик этишнинг назарий ва амалий асослари. Талабалар фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик технологиялар. Педагогик инновациялар-педагог маҳоратини ривожлантирувчи омил сифатида. Стоматологик фанларини ўқитишида қўлланиладиган илғор таълим технологиялари: электрон ва мультимедия дарсликлар, масофавий таълим, кейс технологиялари, кичик гурӯхларда ишлаш, йўналтирувчи матн, лойиҳа методлари ва х. к.

**Модулнингвазифалари.** Стоматология фанлари амалий машғулотларини ташкил қилишда Кейс-стади технологиясидан фойдаланишининг истиқболлари. Педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия хақидаги ҳужжатлар; стоматологик фанларни ўқитишида инновацион таълим технологиялари ҳақида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шакллантириш ва чуқурлаштириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Олий ўқув таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича замонавий дастурлар асос қилиб олинган.

Олий таълим муассасалари –Стоматологияфандарни таълим йўналиши ва мутаҳассисликлари умумкасбий ва маҳсус фандарда педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълимтарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

–Стоматологияфанини ўқитишдаги илфор хорижий тажрибалар модулини ўзлаштириш жараённида амалга ошириледиган масалалар доирасида тингловчилар:

- стоматология фандарини ўқитишда педагогик фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари; замонавий педагогик атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда илфор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;
- замонавий стоматология фандари муаммоларига доир кейслар тузиш, уларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- стоматология фандарининг муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги.**

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи блок ва мутаҳассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		
			жами	назарий	жумладан	назарий		
1	<b>Стоматология фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.</b>	8	6	2	4	2		
2	<b>Ўқув жараёнининг норматив-хукуқий асослари.</b>	6	6	2	4			
	<b>Жами:</b>	14	12	4	8	2		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 – мавзу: Стоматология фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалари ва замонавий ёндашувлар. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шархини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш.

### **2 – мавзу: Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари**

Ўқув жараёнини ташкил килиш норматив-ҳуқуқий асослари борасидаги илғор хорижий мамлакатларнинг таълим тажрибалари. Тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисбот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш. Илғор таълим технологиялари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1- амалий машғулот: Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари**

Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **2- амалий машғулот: Стоматология фанининг ўқув жараённида янги интерактив усуллари.**

Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гурухларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари		1,2
	Мустақил иш топшириқлари	2,5	0,5
	Амалий топшириқлар		0,8

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

-Хулосалаш|| методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларнитарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуякунланади.

## “Кейс-стади” методи

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотинитайёrlаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosа ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- фикрингизни баён этинг
- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
- фикрингизни умумлаштиринг

## “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

## **Методни амалга ошириш тартиби:**

-Ассисментъ лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳакида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

## **“Синквейн” (5 қатор) техникаси**

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1-қатор – тушунча;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари түғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти түғрисидаги 4 сўздан иборат сўз биримаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

**Намуна: Компьютер сўзи тузилган “Синквейн”**

Компьютер

Сифатли, тезкор

Тўплайди, саклайди, узатади

Замонавий ахборот технология воситаси

Интеллект

## **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

## **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
-V  – таниш маълумот.			
-?  – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
—+  бу маълумот мен учун янгилик.			
—   бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан тахлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч ибораларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Стоматологияфанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.**

**Режа:**

1. Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиётининг қўлланишининг асосий қонунлари ва принциплари.
2. Замонавий инновацион таълим технологиялари.
3. Даволаш иши фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.

**Таянч иборалар:инновацион таълим технологиялари, тингловчилар, педагог, педагогик технологиялар.**

#### **1.1 Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиётининг қўлланиши.**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш, милий тизимини яратишидир. Бу эса ўз навбатида дунёга янги кўз билан қарайдиган, уddабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи тиббий мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Ҳозирда бундай улкан вазифани шараф билан бажарадиган, замонавий ва жаҳоннинг ЭНГ илғор таълим технологиялари билан куролланган педагог кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Стоматологияфанини таълим жараёнда тингловчиларни фаоллаштириш, фан ва техника янгиликларини ўргатиш ва амалиётга жорий этишга ўргатиш, изланувчан ёшларни тарбиялаш талаби илгари сурilmоқда. Мазкур дастур мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги –Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-

тадбирлари түғрисидаги -Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисидағи 278-сонли қарорлари, ҳамда «Таълим түғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёrlаш миллий дастури» га мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёrlаш, уларнинг малакаси ва сифатини ошириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, республика таълим муассасаларини юқори малакали тиббий-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

IV. Ушбу қарор билан тасдиқланган -Педагог кадрларни қайта тайёrlаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари да мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболлари, таълим муассасаларининг эҳтиёжлари, илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон фан ютуқлари ва анъаналари инобатга олинган.

Кадрлар тайёrlаш миллий дастурида Республикализ узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг касбий малакасини ошириш ва қайта тайёrlаш ишларини амалга ошириш хусусида алоҳида тўхталган.

Стоматология фани доимо ривожланишда бўлганлиги сабабли, тасаввурлар янгиланиб туради. Республикаизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги реформаларнинг билан боғлиқ муаммонинг зўрайиши, замонавий ўқув муассасаларида ўқув жараёнининг оширувчи сифатида замонавий педагогик илмда билим ва технологияларни актуллаштиришни талаб қилмоқда.

## **1.2 Замонавий инновацион таълим технологиялари<sup>1</sup>.**

1. Таълим-тарбия тузилиш жараённи ва мазмунни жиҳатдан таълим жараёнини оптималлаштириш, қулай шароит яратиш оз вақт, кам куч сарфлаб, юқори натижага эришиш, замонавийлик;педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни янги тартиб қоидаларни жорий этиш;таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириб бориш;илмийлик; таълим-тарбиядан янги шакл ва воситалар, фаоллик методлар, узлуксиз изланишўқитувчи таълим мақсадининг мазмунини пухта билим, таълим усуллари ва техник воситаларни яхши эгаллаган бўлиши; ўқувчининг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги;

2. Педагогик жараённи жадваллаштириш, ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш;

3. Ўқув жараённи учун моддий-техник база яратиш;

4. Педагогик жараён натижаларини холисона баҳолаш; тест усули; рейтинг тизими, ўқувчининг билим ва куникмаларини эгаллаш жараёнини назорат қилиш, баҳоланишни автоматлаштириш;таълим-тарбиянинг жамиятга мослашуви ва бошқалар<sup>2</sup>

Педагогик технология – бу шахснинг максимал ривожлантириш мақсадида талабалар билан ўзаро муносабатда ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган жараёнда илмий асосланган таъсир этиш характеристини танлаш.

Педагогик технология – бу вақтда қисқа, аранг усуллар билан ушланадиган, ўқувчи ва ўқитувчининг кўп жиҳатли шахсий ўзига ҳослийликка қарамасдан индивидуаллаштирилган, бир нуқтага фокусланган тарбия назария ва методикаси тарбия амалиётидаги проекциясидир<sup>3</sup>.

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.MitchellAn Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015)

2.Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий кўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,

3. Л.В.Голиш, Б. Ходиев Мустакил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тарикасида): Ўқув-услубий кўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.

Педагогика технологияси тарбияланувчига таъсирни ташкил этиш бўйича педагогларнинг керакли профессионал билим тизимини аниқлаб, педагогик фаолиятни технологик жиҳатдан англаш усулинин беради.

Шунинг учун «педагогик технология» термини айнан таржима қилинганда педагогик санъат ва моҳирликни ўқиш тушунилади. «Педагогик технология» терминини илмий тушуниш ва қўллашда катта фарқ мавжуд ва уларда 4та ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Педагогик технология, восита сифатида, яъни ўқув жараёни учун методик асбобларни, аппаратураларни, ўқув қурилмаларни ва ТСОларни ишлаб чиқариш ва қўллаш.

Педагогик технология ҳаммасини ўз ичига олади: «бўр ва синф доскасидан» (Р. Де Киффер) «девордаги розетка орқали ёқиш мумкин бўлган барча нарсалар»гача (М. Мейер).

2. Педагогик технологиялар усул сифатида. Иккинчи ҳолатни Б. Скиннер, С. Гибсон, Т. Сакамото ва бошқалар ифодалашган. Улар педагогик технологияни – белгиланган алгоритмга, дастурга, педагогик жараёнлар иштирокчиларининг ҳамкорлиги тизимига аосланган коммуникация жараёни (усул, модель, ўқув вазифаларини бажарувчи техника) деб ҳисоблашади.

3. Педагогик технологиялар илмий йўналиш сифатида. Учинчи ҳолат намояндадали (М.Эраут, Р.Кауфман, С. Ведемейер) педагогик технологияларни ижтимоий, бошқарув ва табиий фанлар маълумотларига таянадиган билимнинг кенг доираси деб ҳисоблашади. Ўқитиш технологияси (педагогик технология) - оптимал ўқитиш тизимини тузиш, ўқув жараёнларини лойиҳалаштириш билан шуғуллануви педагогик фанидаги янги йўналиш.

4. Педагогик технологиялар кўп маъноли тушунча сифатида. Тўртинчи ҳолат кўп жиҳатли ёндашишни ўз ичига олади ва педагогик (таълим) технологияни кўп маъноли жараён сифатида ҳисобланишини таклиф этади.

Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган тизимли жамланиш ва барча шахсий, асбобли ва методологик воситаларнинг фаолият юритиш тартибини билдиради.

### **Стоматологияфанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар**

*Педагогик технологиянинг горизонтал тузилиши Зта асосий бир-бирига боғлиқ таркибий қисмлардан иборат:*

- 1) илмий: бу педагогик назария ва илғор тажриба ютуқларида асосланган ҳолда муаммонинг илмий ишлаб чиқилган (ишлаб чиқиладиган) ечими ҳисобланади;
- 2) формализмли-тавсифли (дескриптив): технология, кутилаётган натижаларга эришиш учун қўлланиладиган модель, мақсадларни, мазмунини, метод ва воситаларни, ҳаракатлар алгоритмларининг (оғзаки, матнли, схемали) тавсифи ҳисобланади;
- 3) процессуал-фаолиятли: технология объект ва субъектларнинг фаолиятини амалга оширувчи жараён, уларни мақсадга мувофиқлиги, режалаштирилиши, ташкил қилиниши, мақсадларни амалга оширилиши ва натижаларни таҳлил қилиниши сифатида гавдаланади.

*Хулоса:* Шундай қилиб, педагогик технология ўқитишининг кўпроқ рационал йўлини лойиҳалаштирувчи ва тадқиқ қилувчи фан (педагогик назария соҳаси) сифатида, фаолиятни тартибга соловчиси ва усуллари, алгоритмлар тизими сифатида ўқитиш ва тарбиянинг реал жараёни сифатида ишлайди. У ёки ўз жиҳатларининг барча комплекслари ёки илмий ишлаб чиқариш (ложиҳа, концепция), ёки ҳаракат алгоритми (дастури) таснифи ёки амалиётда реал қўлланиладиган жараёнда ифодаланиши мумкин.

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.Mitchell An Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015).

мумкин:

1. Анъанавий.
2. Модификация қилинган.
3. Радикал.

Педагогик (таълим) технологияси концепциясида, таянч аниқлаш сифатида қўйидагиларни қўллаш мумкин.

Педагогик (таълим) технологияси – илмга асосланиб қурилган, ўз вақти билан ва маконида программалаштирилган ва белгиланган натижага олиб борадиган педагогик жараёнларнинг барча компонентлари фаолияти тизимиdir.

### *Вертикал технологиялар*

Хар қандай педагогик технология педагогик фаолиятнинг маълум бир соҳасини қамраб олади. Бу фаолият соҳаси, бир томондан унинг фаолиятининг бир қатор таркибини (ва тегишли технологияларни) ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзи кенг (юқори) даражадаги фаолиятнинг (технология) таркиби сифатида киритилиши мумкин. Бу иерархия тузилмасида (технологик вертикалда) таълим технологияларининг (одам ва ташкилотлар фаолияти ташкилий тузилмасининг ўхшашиб даражасига) 4та тенг хуқуқда бир ерга қаратилган синфларга ажратиш мукин<sup>1</sup>:

1. Метатехнологиялар таълим соҳасида ижтимий сиёсатни амалга ошириш даражасида таълим жараёнини ифода этади (ижтимоий-педагогик даража). Бу умумпедагогик (умумдидақтиқ, умумтарбиявий, ижтимоий-тарбиявий) технологиилар мамлакатда, ҳудудда, ўқув муассасасида тўлиқ ўқув жараёнини қамраб олади. Мисоллар: ҳудудда мактабгача тарбия технологияси, ривожланаётган ўқитиш технологияси, ўқитиш сифатини бошқариш технологияси, алкоголизмга қарши тарбия технологияси.

2. Макротехнологиялар ёки тармоқли педагогик технологиилар (умумпедагогик ва умумметодик даражадаги), қайсиdir таълим тармоғи, соҳаси, ўқитиш ва тарбия йўналиши, ўқув интизоми доирасидаги фаолиятни қамраб олади. Мисоллар: ўқитишнинг ўрнини босадиган технология, ўқув фанини ўқитиш технологияси.

3. Мезотехнологиялар ёки модулли-локал – ўқув тарбиявий жараённи алоҳида қисмларини (модулинини) амалга ошири, ёки шахсий, локал дидактик, методик ёки тарбиявий вазифаларни ечишга йўналтирилган технологиялар. Мисоллар: ушбу модул чегарасидаги субъект ва объектлар фаолиятининг алоҳида тури технологияси, берилган мавзууни ўрганиш технологияси, дарс технологияси, ўзлаштириш технологияси, такрорлаш ёки билимни назорат қилиш<sup>1</sup>.

4. Микротехнологиялар – бу индивидуал ҳамкорлик ёки педагогик жараён субъектининг ўз таъсирини кўрсатишига таълукли бўлган ва кичкина тезкор вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган технологиялардир. (шахсий-алоқа даражаси). Мисоллар: хат малакасини шакллантириш технологияси, индивиднинг алоҳида сифатларини яхшилаш бўйича тренинг технологиялари.

«Педагогик технологиялари» тушунчаси тузилмасимантикий-маъновий модел шаклида тақдим қилиниши мумкин (В.Э. Штейнбергнинг семантик фрактали бўйича). Семантик фрактал кўп ўлчамли координат тизими шаклида билимнинг мантикий-маъновий моделини тақдим этади. У семантик боғланган тизимни ҳосил қилувчи, билимнинг маъновий элементлари жойлаштирилган (белгили-символли элеменлар, таянч сигналлар, тушунча, графикали ва символли белгилар) текис радиал-коцентрик каркас каби акс эттирилади. Технологиядаражаси (метатехнология, тармоқли, модул-локал, микротехнологиялар)<sup>1,2</sup>;

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.Mitchell An Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015).

2.Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий кўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 102 б.,

Илмий таркибий қисм (ғоялар, принциплар, қонунийлик, классификация, фалсафий асослар, методологик ёндашув, ривожланиш механизмлари ва омиллари, техник база, илғор тажрибаларни умумлаштириш ва бошқалар).

Формализмли-тавсифли таркибий қисм (мазмуни, модель, мақсад ва вазифалари, тузилиши);

Процессуал-фаолиятли таркибий қисм (мақсадлилик, режалаштириш, ресурсларни ҳисобга олиш, ташкилий ишлар, фаолиятнинг шакли ва услуги, мақсадни амалга ошириш, бошқарув, натижалар таҳлили, рефлексия);

Технология субъектининг хусусияти (педагогик ҳамкорликка йўналганлик, профессионаллик, технологик чуқур билимга эгалик, коммуникативлик, педагогик техника, моҳирлик, ижод, индивидуаллик, ўқувчиларга ёндашув, стиль)<sup>1</sup>;

Технология объектининг хусусияти (ўқитиленганик, ўқитишлик, қобилият, эҳтиёж, Мен-концепция, тарбиялилик, йўналтирилганлик, индивидуал ва ёшга оид хусусиятлар).

Хулоса: Сўзсиз, замонавий педагогик технологиялар, мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқсан ҳолда, ўқитиш жарёнига таъсир этувчи кўпроқ омилларни ҳисобга олишга ҳаракат қиласидилар ва бу ҳолатда ўқув жараёнидаги педагогнинг жойи ва роли ўзгаради.

Бугунги кунда, жаҳон педагогик фани педагогни таълим оловчи фаолиятини актив ривожлантирувчи менежер сифатида қарамоқда.

Бу ҳолатда ўқитувчи ҳамма таълим бериш методларини билиши лозим ва бундай шароитда замонавий таълим сифатига эришишда технологиялар ўрни ошади. Илмий адабиётларда кенг тарқалган ўқувчиларни ўқитиш замонавий технологиялар назарий обзорини келтирамиз<sup>1</sup>.

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.Mitchell An Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015).

### **1.3Даволаш иши фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар**

Педагок диққат марказида – ўз имкониятларини максимал амалга оширишга интилаётган, янги тажрибалар учун очиқ, ҳаётнинг ҳар жи ҳолатларида ўзининг тушунган ва маъсулиятни хис қилган ҳолда танлаш қобилиятига эга ноёб гўдак турибди.

Анъанавий технологияларда тарбияланувчига расмиятчилик билан билим ва ижтимоий нормалар берилади ва бундан фарқли буерда юқоридаги эътиб ўтилган сифатларга шахс томонидан эришиш таълим ва тарбиянинг асосий мақсади ҳисобланади.Анъанавий дидактик тизмларда ҳар қандай педагогик технологиянинг асоси тушунтириш, шахсга қаратилган таълимда эса тушиниш ва бир-бирини тушуниш бўлади.

Фундаментал фикр тушунтиришдан тушунишга, монологдан диалокга, ижтимоий назоратдан ривожланишга, бошқаришдан ўз-ўзини бошқаришга ўтишдан иборат.

Педагогнинг асосий мақсади – -предметни билиш эмас, балки мулоқот, ўқувчилар билан ўзаро тушуниши, ижод учун уларни -озод қилиш (К.Н. Вентцель).Ижод, тадқиқотли изланиш болани шахсга қаратилган таълим майдонида бўлишини асосий усули ҳисобланади.Таълимнинг ижодий топшириқларни мустақил равишда уддалашга боланинг руҳий, жисмоний, интелектуал имкониялари ҳали анча кам бўлади.

Шахсга қаратилган технологияда ҳар бир болани индивидуал хусусиятларига мувофиқ келувчи таълим ва тарбия востиси ва методларини топишга ҳаракат қилинади: руҳий диагностика методидан фойдаланилади, турли хил таълим воситаларини қўллаган ҳолда боланинг муносабати ва фаолиятини ташкил этиш, таълимни моҳиятини тўғирланади.Шахсга қаратилган технологияда ўзига ҳослиги шахсий хусусиятларга қаратилганланлиги, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши кимнингдир буюртмасига қараб эмас, балки табиий қобилиятларига мувофиқ амалга оширилади.

Таълимнинг моҳияти боланинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши содир бўладиган муҳит сифатида гавдаланади. Гуманистик норма ва идеаллар, инсонга қаратилган гуманистик йўналиш унга ҳосдир. Ўйин — бу ўз-ўзини бошқариш ҳулқи шаклланадиган ва ривожланадиган ижтимоий тажрибани шакллантириш ва ўзлаштиришган фаолият туридир.

Кўпчилик ўйинларнинг қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади. Эркин ривожланувчи фаолият, фақатгина натижа эмас, фаолиятнинг жараёнининг ўзидан завқ олиш учун фақат боланинг хоҳишига кўра амалга оширилади (жараёнли завқ). Ижодий, сезиларли даражада имправизация қилингани бу фаолиятни актив характеридир («ноле ижод»):

- фаолиятнинг эмоционал кўтаринкилиги, рақобатчилик, белашув, рақобатчилик (—эмоционал кескинлик||);
- ўйиннинг моҳиятини очиб берувчи тўғри ёки бошқа қоидалар мавжудлиги, унинг ривожланиши мантиқий ва вақт кетма- кетлигига амалга оширилади.

Педагогик ўйиннинг бошқа ўйинлардан асосий фарқи у муҳим аломатга эга — асосланадиган, аниқ бир кўринишда ажратилган ва ўқиши - билим олишга қаратилганлиги билан характерланадиган ўқитиш мақсадининг аниқ қўйилгани ва унга мувофиқ бўлган педагогик натижа.

Яқин-яқингача ўқув жараённида ўйинлардан фойдаланиш тақиқланган эди. Ўқув жараёнини активлаштириш ва унумдорлигини оширишни мақсад қилган замноваий мактабларда ўқув фаолияти қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- ташаббускор технологиялар сифатида тушунча, мавзу ва ҳатто ўқув предметининг бўлимини ўзлаштириш учун;
- каттароқ технологияларнинг элементлари (айrim вақтларда жуда жиддий) сифатида
- дарс ёки унинг қисми (кириш, тушунтириш, мустахкамлаш, машқ, назорат) сифатида

- дарсдан ташқари иш технологиялари (коллектив ижодий иш) сифатида.

Ўйин технологиясининг ўқув жараёнидаги жойи ва ролини аниқлаш, ўйин элементлари ва ўқиши биритириш ўқитувчининг педагогик ўйин классификациясини ва функциясини билишига боғлиқ. Ўйин технологиясининг спецификасини ўйин муҳити аниқлаб беради: предмет билан ёки предметсизлиги билан фарқланади, стол устида туралган, хона, жойида, компьютер, турли хил ҳаракатланувчи воситалар ва бошқалар<sup>1</sup>.

Юқори синф ўқувчиларида ўйиннинг ўзига ҳослиги жамиятда ўз ўрнини (мавқеи) белгилаб олиш, ютишга ҳаракат, сўзлашув фаолиятига қаратилганлиги билан намоён фарқланади. Иш ўйинлари комплекс вазифаларни ечиш учун фойдаланилади.

Янгиликни ўзлаштириш, материални мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларни кучайтириш, умумий ўқув билимларни шакллантириш ўқувчилар учун ўқув материалини ҳар хил ҳолатдан ўрганишга имконият яратади. Ўқув жарёнида ҳар хил модификациядаги иш ўйинлари фойдаланилади: имитацияли, операцион, ролли ўйинлар, иш театри, психологик ва социодрама<sup>1</sup>.

*Имитацияли ўйин.* Машғулат вақтида қайсиdir ташкилот, корхона ва унинг бўлинмаси фаолияти имитация қилинади.

Имитацияли ўйин сценарийси ҳолат сюжетидан ташқари имитация қилинаётган жарён ва объектнинг белгиланган мақсади ва структураси таснифи ўзида мужассам этади.

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.Mitchell An Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015).

## **Ўқитишининг актив методлари.**

Ўқишида шахсни активлаштириш методи берилаётган маълумот ҳажмининг кўпайтириш эмас, назорат тадбирлари кучайтириш ва сонини ошириш эмас, балки ўқувчининг нафақат интелектуал, балки шахсий ва ижтимоий активлигини хисобга олган ҳолда онгли равишида ўқишига дидактик ва психологияк шароит ташкил этиш орқали ўқитишининг мақсадларига эришишига асосланган.

Актив ўқитиши регламинтацияланган, алгоритмли, программалаштирилган форма ва дидактик жараёнларни ташкил этиш методларидан ривожланувчи, муаммоли, тадқиқотли, қидиув, билим олишга мотив ва қизиқишларнинг пайдо бўлишига, ўқишида ижод учун шароитга ўтишдан далолат беради. М. Новик актив ўқитишида қуйидаги ажralиб турувчи хусусиятларини кўрсатади:

- Фикрлашнинг мажбурий активлашиши, ўқувчининг хоҳишидан қатъий назар у актив бўлишига мажбур бўлади.
- Ўқувчининг ўқув жараёнига етарли даражада ўзоқ муддат жалб бўлиши, сабаби уларнинг активлиги қисқа муддатли ва эпизодик эмас, балки етарли даражада барқарор ва узоқ муддат (бутун машғулот вақтида) бўлиши керак.

Мустақил равишида ижодий ечимларни топиши, мотивация даражасининг ва ўқувчининг эмоционалигининг ошиши. Ўқитишининг актив методларининг классификацияси мавжуд. М. Новик, мисол учун, имитацион бўлмаган ва имитацион ўқитишининг актив гуруҳларига ажратади. У ёки бу методлар гуруҳи машғулот шаклини (тури) аниқлаб беради: имитацион бўлмаган ва имитацион.

Ўрганилаётган жараён ёки фаолият моделининг мавжуд эмаслиги имитацион бўлмаган машғулотларнинг ўзига хос хусусияти хисобланади. Ўқитиши активлаштириш ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўрнатилган алоқанинг тўғри ва қайтиши орқали амалга оширилади. Ўрганилаётган жараён (индивидуал ёки колектив профессионал фаолияти имитацияси)

моделининг мавжудлиги имитацион машғулотларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Имтацион машғулотларнинг ўзига ҳослиги — ўйинли ва ўйинли бўлмаганларга бўлиниши. Актив методларни айримларига хусусиятларига таъриф берамиз<sup>1</sup>.

Муаммоли лекция<sup>1</sup> — лекция шакли, бу шаклда тингловчи ва ўқувчиларнинг билим олиши, изланиш, тадқиқот фаолиятига яқинлашди. Муаммоли лекция муваффақияти устоз ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан эришилади. Лекторнинг асосий вазифаси — информация бериш эмас, балки тингловчиларни илмий билимларини объектив зиддиятлар ва уларни ечиш усулларини топишда қатнаштириш.

Тингловчилар устоз билан ҳамкорликда янги билим -очиш, касб алоҳида фаннинг теоритик хусусиятларини эгаллайдилар. Аниқ ҳолат таҳлили (*case-study*) — эффектив ва кенг тарқалган ўқувчиларнинг актив билим олиш фаолиятини ташкил этиш методи. Аниқ ҳолат таҳлили методи ҳаётий ва ишлаб чиқариш топшириқларининг таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради. Аниқ ҳолатга дуч келиб, ўқувчи қуидагини аниқлаб олиши керак: унда муаммо борми, нимадан иборат, ҳолатга нисбатан ўзни қарашини аниқлаш. Имитацияли машқлар — актив ўқитиш методи, ажратиб турувчи хусусияти — устозга (студентларга эмас) аавалдан муаммони тўғри ёки оптималь ечиш варианти маълум бўлади. Имитация машқи кўпинча имитация ўйини статусига ўзгаради, унда ролли ўйинлардан фарқли аниқ мутахассис, ишчи ва бошлиқлар фаолияти моделлаштирилмайди. Фақатгина муҳит модели қолмоқда.

---

1. Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014., David A. Mitchell An Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery, second edition (2015).

Имитация ўйинларида одамларни ўзини тутиши, аниқ бир ҳолатда ўзаро алоқаси аникловчи хўжалик, ҳуқуқий, ижтимоий психологик, математик ва бошқа механизмлар (принциплар) қўлланилиши мумкин.

Ақлий штурм (мозговая атака, брейнсторминг) — илмий ва амалий муаммоларга ечими учун янги фикр олишда кенг қўлланиладиган усулдир. Унинг мақсади — муаммони ноанъанавий йўл билан ечиш учун колектив фикралаш фаолиятини ташкил этиш. *Муаммо, ақлий штурм методи бўйича берилган машғулот назарий ёки амалий актул бўлиши ва тингловчиларнинг актив қизиқшини уйготиши керак. Ақлий штурмга муаммо танланганда эътиборга олиши керак бўлган умумий талаблар* — ўқув топшириқ сифатида тингловчилар олдига қўйилган муаммонинг кўп бир хил бўлмаган варианtlар билан ечим имконияти.

### **Муаммоли ўқитиши.**

Муаммоли ўқитиши —бу ўқитувчини тизимли равишда муаммоларни яратиш ва ўқувчиларни ушбу ўқув муаммоларини ечиш бўйича фаолиятини ташкил этиш, мустақил равишда уларни ечим излаш ва тайёр фан хуносаларини оптимал мувофиқлаштирган ҳолда ўқитиши тури.

Муаммоли вазият (ҳолат) — муаммоли ўқитишининг асосий элементи, унинг ёрдамида фикр, ўқувчиларнинг билим олишга эҳтиёжи уйғониши, фикрлаш активлашиши. -Муаммоли вазият ўз ичига нимани олади? Қайсилар унинг асосий компоненти? || деган саволга жавоб олиш учун — муаммоли вазиятни психологик структурасини, унинг дидактик имкониятлари ҳамда ўқитища қўллаш шартларини тасвур қилиш муҳим.

Психологик структура бўйича муаммоли вазият фикрлаш каби анча муракқаб кўриниш бўлиб, нафакат предмет мазмуни балки шахсий мухитини ўз ичига олади. Кутимаган қийинчилик ҳар доим инсонни ҳайрон қолдиради ва ақлий изланишга ундейди. Муаммоли вазиятдан чиқиш муаммони англаш, уни таърифлаш ва ечиш боғлиқ бўлади. Муаммоли вазият педагогнинг дидактик инструменти бўлиши учун муаммоли вазият турларини билиш керак. Адабиётда 20 дан ортиқ

классификацияси маълум. Педагогик амалиётда қўпчилик томонидан тан олинган ҳисобланади. У муаммони яратишнинг қўйидаги усулларини ва уларни турини кўрсатмоқда<sup>1,2</sup>:

1. Ўқувчиларнинг ҳаётий ҳолатлар, фактлар дуч келганда назарий тушунтириш талаб қилиниши ўқувчиларни амалий ишини ташкил этишда;
  2. Ўқувчиларда ҳаётий ҳолатларни таҳлил қилиш истагини пайдо бўлишида, аввалги турмуш тасавурлар билан зидиятнинг пайдо бўлиши олиб келиши;
  3. Гипотезаларни шакллантиришда;
- Ўқувчиларда солишириш, таққослаш ва карши қўйиш истагини пайдо бўлиши;
  - Ўқувчиларда янги фактларни умумлаштиришга истагини пайдо бўлиши;
  - Тадқиқотли топшириқларда.

Ўзининг эфективлигини кўрсатган ва амалда ўзини исботлаган бошқа замонавий педагогик технологиялар мавжуд. Ўқиши ривожлантирувчи ўқувчиларни интелектуал имконияларини очишига қаратилган технологиялар, ўқиши билан интеграция қилинган ўқитиши комплекс ёндашувни таклиф қилувчи турли хил вариантларни бунга киритиш мумкин. Ривожлантирувчи ўқитишининг асосий психологик принциплари қуйидагилар<sup>2</sup>:

- Ўқитишининг қийинчиликлари;

---

1.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.MitchellAn Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015)

2.Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий кўлланма/Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,

- Турли хил фикралаш фаолияти турларининг оптимал ривожлантириш (яққол таъсир кўрсатадиган, амалий, яққол образли, мавхум бир тарзда, обстракт-назарий);
- Ўқитиши индивидуаллаштириш ва диференциация қилиш;
- Фикрлаш фаолиятининг ҳам алгоритмик ҳам эвристик усулларини маҳсус шакллантириш;
- Мнемик фаолиятни маҳсус ташкил этиш.

Ўзининг предмети билан бевосита интеграллашган жараёнлари мавжуд интегратив-педагогик концепциялар орасида айримларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар номланишида ҳам ўз аксини топган.

Ҳозирда педагогик технология психодидактик, психология, кибернетик, бошқарув ва менежментга асосланади ва аввалдан режалаштирилган педагогик жараённи амалда режали ва босқичма босқич амалга ошириш тушунилади. Педагогик харакатлар, операциялар, комуникациялар технологик занжири аниқ кутилаётган натижага, шаклига эга мақсадли установкаларга мувофиқ қурилади. Аммо ҳар қандай таълим технологияси – мувафақият гарови эмас. Асосийси, самарали таълим технологиялари ва педагог шахси органик бирикиши ҳисобланади.

Яна бир бор таъкидлаш керакки, педагог янги таълим парадигмасида ўқувчининг мустақил равишда актив ўқиши жараёнида ташкилотчи, компетент маслаҳатчи ва ёрдамчи ролида иштирок этади. Бу рол анъанавий ўқитишдан кўра мураккаб ва педагогдан юқорироқ даражадаги профессионал-педагогик маданиятни талаб қиласи.

## **Назорат саволлари:**

1. «Педагогик технологиялари» тушунчаси.
2. Педагогик технологиянинг тузилмаси.
  3. Замонавий авторлик педагогик технологиялар.
4. «Технология» тушунчасини таълим соҳасида, педагогик жараёнларда қўллаш.
5. Технологик ёндашув таълим соҳасида қандай имкониятлар яратади?
6. Интерактив ўқитишининг методларини айтинг ва уларнинг ўқитиши афзаликлари.
7. Инновация тиббиёт соҳасида ва ўқиш жараёнида қандай татбик қилинади?
8. Пед. технологиянинг горизонтал аспектига нима киради?
9. Жаҳон педагогик технологияларни қандай турлари бор?
10. Вертикал технологияларнинг турлари ва мақсади.
11. Янги педагогик менталитет қандай шаклланади?
12. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
13. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
14. Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишининг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
15. Стоматология фанларини ривожлантириш жараёнлари.
16. Стоматология фанларини ўқитиши жараёнида инновациянинг роли.
17. Замонавий педагогик технологиялар орқали стоматология фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
18. Музокара (дискуссия) ўтказишнинг бта босқичини айтинг.
19. Гурухли музокаранинг Зта устун томонини айтинг.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Jean M. Bruch Nathaniel S. Treister/Clinical Oral Medicine and Pathology.2016,USA.

5. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,
6. Л.В.Голиш, Б.ХодиевМустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.

## **2-мавзу: Ўқув жараёнининг норматив-хуқуқий асослари.**

### **Режа:**

1. Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиёти қўлланишининг асосий қонунлари ва принциплари.
2. Стоматологияда замонавий инновацион таълим технологиялари.

**Таянч иборалар:таълим методлари, таълим тамоилилари, ўқув жараёнини ташкил этишининг технологияси, талабанинг меҳнат сарфи, syllabus, ўтиши коэффициенти, талабалар билимини баҳолаши услубиёти, баҳолаши мезонлари.**

### **2.1 Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиётининг қўлланишининг асосий қонунлари ва принциплари**

Муаммони ифодаланиши:

1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.

2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо, ости муаммолар)ни ажратади. Кейснинг дастурий картаси кейс учун ахборот йифиши ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Педагогик аннотация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейсда мўлжалланган предмет бўлим мавзу таълим даражаси курс кўрсатилади;

2. Кейсдан кўзланган мақсад (таълимий мақсад режалаштириладиган ўқув натижалари;

3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар;

4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот<sup>1</sup>;

5. Ахборот олиш манбалари рўйхат;

6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс обьекти мавжудлиги материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари ўқув топшириғини тақдим этиш усули чизмалаштириш усули);

7. Кейсдан қўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилишимумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Кейс-ишлаб чиқаришда содир бўладиган аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб, бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади.

Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга муаммоларни таҳлил қилиш ва унинг ечимини якка тартибда ёки гуруҳларда еча олиш 52 кўникмаларини эгаллашга ижодий ваўрганиш қобилияtlари мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ўқув машғулотларида кейсларни ҳал қилиш алгоритми қўйидагicha:

1. Топшириқни бериш (топшириқни бажариш муддатини белгилаш кейснинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш дарснинг технологик моделини аниқлаш).<sup>1</sup>

2. Таълим берувчининг кириш сўзи. Асосий саволларнинг қўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг микрогуруҳлардаги фаолиятини ташкил қилиш

---

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

(микромуниципалитетларни номлаш етакчиларни ва эксперт гурухини аниқлаш).

5. Микромуниципалитетлардаги жавоблар билан танишишини ташкил қилиш.

6. Микромуниципалитетлараро мунозарани ташкил қилиш.

7. Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни эксперталар томонидан баҳоланиши.

9. Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.

10. Таълим берувчининг якунловчи сўзи.

Машғулот бўйича хulosалар чиқариш. Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни қўллаши ҳал қилинаётган муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор.

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради:

-мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

-мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

-назария ва амалиёт ўртасида узвий боғликларни шакллантиради;

-муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради;

-вазиятларни ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради.

53 Кейсларни ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш;

- муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам кўриб чиқиш;

- энг мақбул қарор қабул қилиш.

Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш унда баён этилган муаммони янада чукурроқ англашга ёрдам беради ёхуд ёзма нутқ **Жалқаро RWCT** дастурида мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар педагогика ўқитиши методикаси ва педагогик маҳорат асослари фанлари машғулотларида бу каби кейсларни ечиш таълим олувчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан балки мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.<sup>1</sup>

## **2.2 Стоматологияда замонавий инновацион таълим технологиялари.**

Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади.

"Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак. Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган 56 кўринишларга эга бўлиши мумкин.

Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга оҳир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатан масофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Бу "нарса" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва харакатларидамоддийлашади.

Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди.

Янги педагогик ахборот ва телекоммуникация технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради.

Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва варианtlарини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими X. Шу ва Н. Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".

Масофали таълим - масофада туриб ўкув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи маҳсус ахборот таълим мухити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим мухити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг

57 интерактив ўзаро алоқаларини, тингловчиларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни, ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўнимкамларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами<sup>1</sup>.

Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказишида дунёда масофали ўқитиш таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради.

Умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтишда дунё тенденциялари янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юртларининг сони ортиб бориши кузатилади. Университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос тенденцияси ҳисобланади. Мисол учун охирги йилларда масофали университет таълими ташкилий тузилиши янги тури - университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи маҳсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

Университетлар консорсиуми турли университетларда ишлаб чиқилган абитуриентлар учун курслардан тортиб илмий даража олишгача бўлган курслардан иборат курслар тўпламини таклифэтади.

Фарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очик университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади<sup>2</sup>.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Миллий очиқ университетлар қўп жиҳатдан сиртқи таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар.

Очиқ таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълим муҳити пухта ишлаб чиқилган.

Таълимнинг очиқлиги принципи қўйидагини англатади:

олий ўқув юртига очиқ ўқишига қабул қилиши яъни зарур ёшга етишдан ташқари (18 ёш) ҳар қандай шарт ва талаблардан воз кечиш;

ўқиши очиқ режалаштириш яъни курслар системасидан йўли билан ўқиши индивидуал дастурини тузиш эркинлиги;

ўқиши вақти ва суръатларини эркин танлаш яъни бутун йил давомида талабаларни олий ўқув юртига қабул қилиш ва белгиланган ўқиши муддатларининг йўқлиги<sup>3</sup>;

ўқиши жойини эркин танлаш: ўқув вақти асосий қисмида талабалар ўқув аудиторияларида жисмонан бўлмайдилар ва қаерда ўқиши мустақил танлай оладилар.

Очиқлик принципини амалга ошириш катта ташкилий янгиликларга олиб келди. Уларни ахборотларни сақлаш, қайта ишлаб чиқиш ва етказиш янги технологияларини татбиқ этиш ҳисобига амалий амалга оширилиши мумкин бўлди. 58 Мисол учун ўтган аср 90-йилларида телеконференциялар ўтказиш технологияси асосида масофали таълим янги модели пайдо бўлди.

Шу билан бирга телеконференциялар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ҳам ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрталарида ҳам ўтказилиши мумкин. Булар аудио, аудиографик видео-компьютерли телеконференциялар бўлиши мумкин. Телетаълим модели яқинда пайдо бўлди, лекин у замонавий таълимда ташкил этишда тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда<sup>2</sup>.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].
2. Sánchez Carpintero I, Mihm MC, Waner M. Laser and intense pulsed light in the treatment of infantile haemangiomas and vascular malformations. An Sist Sanit Navar. 2015;27 Suppl 1:103-15.
3. Pence B, Aybey B, Ergenekon G. Outcomes of 532 nm frequency-doubled Nd:YAG laser use in the treatment of port-wine stains. Dermatol Surg. May 2015;31(5):509-17. [Medline].

Мана шу асосида замонавий таълимнинг янги ташкилий шакли - виртуал университетлар ривожланаётганинига бу яққол намоён бўлмоқда. Ўқишининг бу шаклини биз янги таълимнинг энди пайдо бўлаётган модели сифатида қараймиз. Мазкур моделида ўқув мақсадларида фойдаланиладиган телеконференциялар технологиясига эга бўлган таълим тизимини қайта қуриш мавжуд имкониятлари амалга оширилади.

Бу технологиялар талабалар гуруҳларига ва алоҳида ўқитувчиларга бир-биридан ҳар қандай масофадан туриб ўқувчилар билан ва ўзаро учрашиш имконини беради.

Бундай замонавий телекоммуникация воситалари босма матнлар аудио ва видеотасмалар ўрнини босувчи компьютерли ўқув дастурлари билан тўлдирилади. Масофали таълимнинг бундай модели пайдо бўлиши фақатгина масофадан туриб эмас, балки таълим муассасаси қандайлигидан қатъий назар таълим беришни олиб боришга олиб келади. Бундай модел ҳали тўла амалга оширилган эмас.

Бу модел катта қийинчиликларга дуч келмоқда хусусан жамоатчилик томонидан тан олиниши ва маълум илмий даража бериш диплом ва сертификатлар бериш ҳуқуқини олиш (виртуал университет аккредитацияси) муаммолари. Мана шу қийинчиликларни йўқотиш ва виртуал университет моделининг тўла ривожланиши замонавий таълим ташкилий тузилишида чуқур ўзгаришларни англатади.

Масофали таълим фақатгина миллий таълим тизими (институционал) доирасидагина эмас балки олий таълим бутун дастурининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи асосан бизнес соҳасида тайёрлашга йўналтирилган алоҳида тижорат компаниялари томонидан ҳам ривожлантирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

ИБМ Генерал Моторс Форд каби ва бошқа компаниялар томонидан хусусий корпоратив таълим тармоқлари яратилган. Мана шу таълим тизимларининг қўплиги мураккаблиги бўйича ҳам, сони бўйича ҳам университетларда яратилган тизимлардан анча илгарилаб кетган.

Охирги ўн йилликлар давомида масофали ўқитишнинг ривожланиши узлуксиз таълим воситаси сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат маркази 59 обьекти ҳисобланади.

1990 йил март ойида Европа комиссияси "Масофали ўқитиш ва касбий тайёрлаш" ишчи ҳужжатини қабул қилди бу ҳужжатда таълим "айниқса таълимнинг самаралилиги нуқтаи назаридан қизиқарли. Юксак сифатли таълим технологиялари марказда ишлаб чиқилиши<sup>1</sup> ва шундан кейин жойларда тарқатилиши мумкин" дейилган.

Масофали таълим учун қулай шароитлар яратиш учун 1994 йилда Европа комиссияси "Леонардо да Винчи" дастурини ишга солди. Ушбу дастур "бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълимни ва тайёрлаш янги шакллари" тизимини ривожлантириши керак.

"Сократ" дастури "уйда таълим олишни европа масштабига олиб чиқиш" мақсадини ўз олдига қўяди. Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутундунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради.

Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли - туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма - хиллиги сабабли ҳатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин.

Қўйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлилари кўрсатиб ўтилган. Мамлакат масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиёт мактаб. (ЕСАЛ) АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни мухим деб ҳисоблаймиз.

---

1.Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидағи касбий таълим) табиий равишида бирлаштирилган. МДҲ давлатларида факатгина 1 миллионга яқин одам масофали таълим тизимида ўқитилади.

Масофали таълим учун АҚШда телевидениедан кенг фойдаланилади. ПБС-ТВ оммавий телекўрсатувлар тизими доирасида миллиондан ортиқ талабалар ўқитилади. Катталарни ўқитиш дастури фан бизнес бошқарув курсларини ўз ичига олади. Бизнес молия ва АҚШдан чиқишиз ҳукуқи соҳасида бакалавр магистр ва доктор диплом ҳамда илмий даражаларини олиш билан америка Кеннеди-Вецери университетидаги масофали ўқитиш дастури таълим хизматлари орасида алоҳида ўрин тутади<sup>1</sup>.

Дастур халқаро тан олинган мавқенини олишни истаган бизнесменлар ва банкирлар учун мўлжалланган. Майк Харт томонидан бошқариладиган Иллиное штати Бенедикт коллежи "Гуттлер берг" лойиҳаси АСЧ-файллар 60 кўринишида классик асарларни иложи борича кенг аудиторияга етказиш мақсадини ўз олдига қўяди.

Америка таълим хизматларини таълим хизматлар бозорида тақдим этишда БМИ (Бусинесс Манагемент Интернационал) - Калифорния штатида (АҚШ) Сан-Франциско шаҳрида штаб-квартирасига эга ихтисослаштирилган америка консалтинг компанияси катта фаоллик кўрсатмокда. Шундай қилиб масофали таълим фаолиятига келтирилган мисоллардан Ғарбда масофали таълимнинг ривожланиши асосий тенденцияси масофали таълим тизими орқали тақдим этиладиган таълим хизматларининг кенглиги ва турли хиллиги ҳисобланади деган хulosага келиш мумкин.<sup>1</sup>

---

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Бундан ташқари масофали таълимнинг ривожланиши ахборот ва телекоммуникация технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқдир

Ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёrlаш бу – давр талабидир. Ҳозирги вақтда республикамизда ёш авлодни тарбиялаш ўқитиш билим бериш замонавий ахборот технологияларга яқиндан ёндашиб ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш мақсадида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Улардан асосийси –Масофадан ўқитиш техника ва технологияси||дир.

Шу нуқтаи назардан ёш авлодни масофадан ўқитиш тизимиға тайёrlаш босқичларини қуидаги кўринишда амалга ошириш мумкин. Ҳозирги ахборот технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда масофавий ўқитиш катта аҳамият касб этмоқда. Чунки таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айрим ижобий томонлари билан ажralиб туради. МЎнинг кундузги ва бошқа таълим турларидан фарқли жиҳати шундаки мазкур таълим турига жуда кенг аҳоли оммасини жалб қилиш мумкин. МЎ ўзида кундузги ва сиртқи таълим турларининг ижобий хусусиятларини мужассам этади Шу жиҳатларига кўра МЎ ҳозирги кундаги истиқболли таълим турларидан бири ҳисобланади.

МЎ асосида таълим бериш учун ўқиши истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф – харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. МЎга жалб қилинувчи контингентни қуидаги ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

- иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар;
- минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;

- анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот ола олмаган ёшлар 61;
  - ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;
  - иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;
  - марказдан узоқда кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;
  - эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;
  - жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;
  - ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

-Таълим тўғрисидағи Ўзбекистон Республикаси қонуни ва -Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифалари босқичма – босқич рӯёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага аёндир.

Замонавий ахборот технологияларига: мультимедиа бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш, компьютерли тест назорати сканер технологияси интернет электрон почта Web – технология электрон виртуал кутубхона масофадан туриб таълим бериш тақдим этиш технологияси сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради.

### **Назорат саволлари:**

1. Илгор хорижий тажрибаларқандай сифатлар хос?
2. Стоматология фани буйича илгор хорижий тажрибаларга қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
3. Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар нималарда акс этади?
5. Шахс креативлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари қайсилар?
6. Педагогларнинг креативлик имкониятлари нималарда акс этади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].
2. Sánchez Carpintero I, Mihm MC, Waner M. Laser and intense pulsed light in the treatment of infantile haemangiomas and vascular malformations. *An Sist Sanit Navar.* 2015;27 Suppl 1:103-15.
3. Pence B, Aybey B, Ergenekon G. Outcomes of 532 nm frequency-doubled Nd:YAG laser use in the treatment of port-wine stains. *Dermatol Surg.* May 2015;31(5):509-17. [Medline].
4. Li DN, Gold MH, Sun ZS, Tang AR, Wang HB, Sheng-Kang L. Treatment of infantile hemangioma with optimal pulse technology. *J Cosmet Laser Ther.* 2010 Jun;12(3):145-50.
5. Saafan AM, Salah MM. Using pulsed dual-wavelength 595 and 1064 nm is more effective in the management of hemangiomas. *J Drugs Dermatol.* 2010 Apr;9(4):310-4.

## **2-мавзу: Стоматология**

### **фанини ўқитишдаги илгор хорижий тажрибалар**

#### **РЕЖА:**

- 1.** Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялаш асосидаги педагогик технологиялар.
- 2.** Педагогик инновация - ўқитувчи маҳоратини ривожлантирувчи омил.
- 3.** Таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш.
- 4.** Талабанинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ошириш – врач-педагогнинг асосий вазифаси.
- 5.** Ўқув жараёнида янги ахборот технологияларини қўллаш.

**Таянч иборалар:** *Инновация, бихевиоризм, таксономия, билимбилиши, тушиуниши, таҳлил, синтез, баҳолаши, технологик усуллар, методлар, ўқитиши талаблари, қоидалар, ўқитиши принциплари, замонавий ахборот технологиялари, таълимнинг технологик асоси, ўқув жараёнида талаба фаолиятининг ривожланиши, ўқув жараёни салмоғи, ўқув курслари дизайнери, фасилитеутор, инвигилатор, масофавий таълим.*

Бўлажак шифокорнинг мутахассисликка тайёрлаш мураккаб ва динамик тизимдир. Бу тизимда ўқитувчини технологик ва методик тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Ўқитувчини технологик тайёрлаш интеллектуал жиҳатдан фаол ўқитиш, шахсни ижодий ривожлантириш, талабалар тафаккурини ўстириш, мутахассисликка йўналтиришни тарбиялаш, бўлажак шифокорнинг таълим жараёнини ташкил этишни талаб қиласди. Бўлажак шифокорни тайёрлашнинг сифатини кўтариш таълим технологиясини амалга ошириш билан бажарилади. Олий ўқув юртларида

замонавий юқори унумли таълим технологияси бу муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб, муаммони ҳал этишдир.

**Таълим технологияси** - бу ривожланаётган таълим жараёнини, муаммоли ўқитиш вазифасини фаол ўрганиш жараёнини рағбатлантириш, тадқиқот ишлари олиб бориш, тафаккурлаш усулини тарбиялашдан иборат.

Муаммоли ўқитиш шахснинг ижодий фаоллигини тарбиялаш мақсадларига мос олий ўкув юртлари иш амалиётида муаммоли ўқитиш билан биргаликда бошқа таълим - технологияларидан ҳам фойдаланилади.

Аввал айтиб ўтганимиздек ўқитувчининг мутахассислик тайёргарлиги замон технологияси муаммоли ўқита олиш демакдир. Ўқитувчиларни олий ўкув юртларида тайёрлаш жараёни ўқитувчиларда ижодий фаолиятни фаол ривожлантириш жараёни, илмий ва мутахассислик йўналишларини интегратсиялашни ташкил этиш фаолияти билан боғлиқ.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллик роли репродуктив ўкув усулларига солиштириб қараганда анча самарали бўлади, ортиб боради.

Ҳозирги замон педагогик адабиётларда муаммоли ўқитиш тушунчасининг таърифи турлича берилган.

Муаммоли ўқитишнинг мақсади, талабалар билан ишлаш жараёнида таълим масалалари, муаммо ва саволларга жавоб қидириш, уларни ҳал этиш йўллари билан янги билимларни ўзлаштиришни, ўрганиш фаолиятини бошқариш ва талаблар таълим ишларида муаммоли вазиятларни ҳал эта олиш, уларда масалаларга қизиқиш уйғота олишдан иборатdir.

Ҳозирги замон таълим жараёнини таҳлил қилиш педагог ва психологлар хulosалари тўғрилигини кўрсатади. Инсон янги, номаълум, кутилмаган нарсаларга дуч келгани ҳолда ҳайратга тушади, ажабланади, Ҳайрон қолган муаммоли вазиятларда фикр юритишга<sup>1</sup> ҳаракат қила бошлайди.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Худди ана шу инсоннинг психик, эмотсионал (ҳаяжонли) ва руҳий ҳолати таълим шароитида ақлий изланиш, фикрлашга ўзига хос туртки бўлади.

Муаммоли вазиятлар мақсадга мос юзага келган маълум педагогик усуллар билан таълим жараёнининг ўзига хос шароитларида юзага келади.

Бундан ташқари ўрганилаётган мавзуу фан муаммоларидаги хусусиятлардан чиққан ҳолда шундай вазият юзага келтириш усулларини ишлаб чиқиш керак.

Шундай қилиб, муаммоли таълим бериш даврида вазият оддий, кутилмаган фикрлаш учун -тўсик<sup>¶</sup> билан боғлиқ интеллектуал қийинчилик ҳолати деб қаралмаслиги керак. Бунда ўқиши, ўрганиш, тушуниш, мақсадида маҳсус юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун илгари ўрганилмаган билим ва ақлий ҳамда амалий усуллар турмайди.

**Муаммоли вазиятнинг маъноси шундан иборатки,** талаба талабаларга маълум маълумотлар, билимлар билан бирга янги далиллар, ҳодисалар, вазиятлар орасидаги диалектик қаршиликлар бўлиб, уларни тушуниб олиш учун илгари олган билимларнинг етишмаслигидир.

Муаммоли вазият хусусияти қўйидагилардан иборат:

- талабалар учун номаълум янгилик мавжудлиги;
- талабаларнинг муаммоларини ўzlари ҳал этишлари, -шахсий қизиқишилари<sup>¶</sup> юзага келган тушунмовчиликларни ўzlари ўрганишга ҳаракат қилишлари муаммоли вазиятдан чиқиб кетишининг, ҳар доим муаммога тушуниб етишга боғлиқ; нима номаълум эканлигини билиб олиш, маъносини тушуниб, уни ҳал этишга интилиш; муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиши, талабаларни мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг энг биринчи талабларидандир. Бундай фикр юритиши талабани шу нарсани нима учун англай олмаганлигини тушуниб етиб, бу гапнинг маъносига эътибор беришга қаратади.

**Аввал муаммоли вазият юзага келиб қолади, сўнгра эса таълим муаммолари юзага келади, ишилаб чиқилади.** Таълим бериш амалиётида муаммонинг бошқа кўринишлари ҳам учрайди:

- муаммонинг қўйилиши, муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши билан ўхшашлиги;
- муаммонинг савол сифатида таърифланиши.

Фақат (далил)ларнинг қарама-қаршилиги, мунозара, назарий ҳолатлар кўпинча нима учун саволга жавоб берувчи муаммоли вазиятни акс эттиради.

Талаба номаълумларни қидириб, аниқлашга керакли бўладиган билимини бойитишда муаммоли вазиятларнинг ўрни катта. Муаммо уч хусусиятга эга:

- маълум (масалалардаги маълум жиҳатлар);
- номаълум (уларни ҳал этиш янги билимлар шаклланишига сабаб бўлади);
- аввалдан бор бўлган билим.

Шундай қилиб ўқув муаммосини талабларига аввалдан муаммонинг натижаси ва унинг ҳал этиш усули, номаълум бўлиб, талабалар уларни ҳал этиш йўлларини топиш учун билим ва ўқувга эга бўлиш масаласи деб белгилаш мумкин. Шундай қилиб, талабалар муаммо ва масалаларни йечиш усулларини билишлари, ўқув муаммоси деб ҳисоблайди. Бошқа<sup>2</sup> томондан агар талабалар бирон масалани ҳал этиш йўлини билмаса ва уни ҳал этишга билими йетмаса ҳам бу муаммо ўқув муаммоси деб ҳисобланмайди.

Талаба машғулот вақтида муаммони онгida шакллантиради (яъни масалани тушунишга қийналаётган томонларини сўз билан ифодалаб беради) бу муаммони йечиш йўллари, услубларини қидириб, бунинг учун улар ўзларининг турли таклифларини киритишади, таклифлардан бирини ўzlари учун тўғри деб танлаб, гипотеза деб асослаб, унинг тўғрилигини исбот этадилар: изланиш масала ёки муаммонинг йечими тўғри эканини текшириш билан ниҳоясига йетади.

**Ўқитувчitalabalарга тайёр фикр бермай, балки уларга изланишга тўғри йўналиш бериши, уларни ривожлантириши лозим.** Машғулотларда ва кундалик тажрибада учрайдиган воқеа, хабар, турли далилларни ўzlари таҳлил қилиб, мустақил фикрга эга бўлишга йўналтиришни мақсад қилиб қўйишлари керак.

2. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Ўқитувчи муаммоли таълим тизимида талабалар ўқув-изланиш фаолиятини шундай ташкил этадики, талаба юзага келган интеллектуал қийинчиликларни ҳал этишга, турли информатсияларни мустақил таҳлил қилишга, йечимини топишга, умумлаштириш ва хулоса чиқаришга, қонуниятларни ифодалай олишларига, олган билимларини кейинги дуч келадиган вазиятларда қўллай олишларига қаратилган бўлиши лозим.

Натижада талабаларда мустақил билим олиш ва мустақил фикр юритиб, янги фазилатларни қўйиш ва уларни исботлаш йўли билан янгича фикрлаш йўлларига ўрганиб, билимни ривожлантириш, эътибори ва тафаккурини ривожланиш қобилияти шаклланишига имкон беради.

Талабалар муаммоли таълим жараёнида ўқув материалларини муаммоли вазият шароитида ўрганишлари, маълумотларни мустақил таҳлил қилиш, ўқув масалаларини фаразларини олдинга суреб, уларни исбот қилиш йўллари билан йециш, уларга билимни ўзлаштиришга ақл билан ҳаракат қилиш усулларига ўргансалар, бу уларнинг интеллектуал фаоллигини оширади.

Муаммоли таълим маъноси шундан иборатки, талаба ўзлаштириши керак бўлган маълумотларнинг педагог томонидан алоҳида тушунтирилади. Муаммоли таълимни ташкил этишнинг **биринчи шарти ўқув маълумотларини (системали) тарзда, мартиб билан ривожлантиришидир**. Муаммоли вазиятнинг **иккинчи шартит альим масалалари маълумотларини берилганда уни ечиши усулларини танлаш имконияти кўзда тутилади**.

Муаммоли таълим ўқув машғулотларини олиб бориш методикаси асослаб беришни талаб қиласди. Асосий методлар қуйидагилардан иборат:

- илмий изланиш;
- текшириш;
- қисман қидирув ёки муҳокама;
- маълумотларни муаммо тарзида йетказиб бериш.

**Иzlaniш usули** талабаларни ижодий мустақил онгини, тафаккурини ривожланиш имкониятларидан тўла фойдаланишга имкон беради. Ўқитувчи

топшириқларни бажара бориб, талабалар ўзлари ўқув муаммоларини шакллантириб, ўзлари уни ҳал этиш гипотезаларини ўртага қўядилар, текшириш билан шуғулланадилар ва керакли натижага эга бўладилар. Шу тариқа талабалар изланиш иш усули ўз тизими томонидан олимнинг изланиш фаолиятига яқинлашади.

Ўқитувчи изланиш ишларига умумий раҳбарлик қилади, топшириқ эса мустакил таълим-ўрганиш ҳаракатларининг тўла тизимини ўз ичига олган бўлади.

Маълумот йиғишдан то уни таҳлил қилишгача таълим муаммоларини белгилашдан уни ҳал этишгача, олинган натижаларни текширишдан то янги билимларни амалда қўллашгача бўлган жараёнлар киради.

Иzlаниш усулини қўллаш ўрганилаётган мавзунинг асосий билан боғлиқ бўлган ўта муҳим, чигал мавзуларни ўрганишда тавсия этилади. Бу эса кейинги маълумотларни янада яхшироқ тушуниб йетишга, ўзлаштиришга ёрдам беради ҳамда имкон яратади.

Шу билан бирга ўқитувчи ўрганиш учун танлаб олаётган билимлар томонидан тушунарли бўлишига аҳамият бериш керак.

Иzlаниш усули талаблар учун узоқ вақт ва ўзига хос иш шароити талаб қилади.

*Қисман изланиш усули ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб*, муаммони бир неча тушунарли саволларга ажратишдан иборат.

Талабаларнинг изланиш фаолиятига репродуктив таълим элементлари қўшилади. Шу билан бирга таълим усуллари - изланиш, сухбат, ўқитувчи маълумотларини йетказиб бера бориб, талабалар жавоблари ва қўшимчалари билан факт (далил)ларни умумлаштириб олиб боради. Бундай ҳолда талабалар репродуктив ва изланиш фаолиятининг даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дарс машғулотларида изланиш, сухбат усулини умумий қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг натижасида талаба ўз билим ва изланиш фаолияти тажрибасига суюнган

холда ўқитувчи рафбарлигига мустақил муаммонинг йечимини излаб топишга ҳаракат қиласи.

Иzlaniш сухбатини тайёrlаш ўқитувчи учун жуда масъулиятли ишдир. Ўқитувчи олдиндан ўрганилган мавзудан келиб чиқадиган саволларни кўриб чиқиши, талабаларни шу саволлар устида фикр юритишлари, сухбат қайси йўналишларда бўлиши мумкинлигини<sup>3</sup> олдиндан ўйлаб қўйиши, ҳар хил тушунча тахминлар юзага келиши ва уларнинг йечими, исботларини қидиришга талабаларга йўл кўрсата олиши керак.

Ўқитувчи ҳатто қилаётган нотўғри фикр юритаётган талабаларга ёрдам беришда шошилмаслиги, сабрли бўлиши керак. Талабаларга қўшимча саволлар бераб, улар йўл қўйган хатоларини кўрсата билиш ва тўғри жавобни топишга йўналтириши керак. Izlaniш мулоқот жараёнida -Умумий жонли фикр алмашинувини| четда ҳолаётган айниқса, умуман | фикр алмашинуvida тайёргарлик кўрмаган талабаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Izlaniш сифатидаги мулоқот таълим, илмий тадқиқот йўлидаги топшириқ сифатида берилса, талабалар қисман izlaniш билан машғул бўлиб, илмий тадқиқот элементлари билан боғлиқ ишларни олиб борадилар.

Таълим жараёнida шартли равишда муаммоли бошланувчи таълим ахборотларини тушунтириб бериш деб номланган усул кенг тарқалган. Бу аввалги усул (материални муаммоли тушунтириш)дан шу билан фарқ қиласи, муаммоли (вазият) тушунтиришнинг бошидагина юзага келтиради, сўнг материал ахборот йўли билан тушунтирилади. Албатта бу, бу усул талабаларда ижодий izlaniш фаолиятида янги билимлар юзага келишига

3. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

имкон яратмайди, яйниңса, илмий изланишга сабаб бўлмайди. Бироқ бунинг натижасида талабалар дарс бошланишида катта қизиқиши уйғотиши туфайли, берилган материални дикқат билан ўрганиб боришларига ёрдам беради. Муаммоли ўқитиш усуллариниг борасидан ҳам бу усул соддадир.

Муаммоли вазиятни юзага келтиришда қуйидаги дидактик мақсадларни кўзлаш керак. Талабалар дикқатини ўқув материалларига тортиш, уларда қизиқиши уйғотиши, ўрганиш, ўзлаштириш фаолиятини жонлаштириш, самарали қилиш, уларнинг олдига ақлий даражасидаги масалалар қўйиш, талабаларга уларнинг билими ва тажриба-малакалари олдида турган ўрганишлари зарур бўлган билимларга йетарли эмаслигини кўрсатиш, уларга ўқув материалини таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал этишнинг энг керакли йўлларини топишда ёрдам бериш керак.

Таълим жараёнидаги муаммоли вазиятлар бир неча турга бўлинади:

1. Талабалар олдиларида турган масаланинг йечимини топа олмайдилар, муаммоли саволларга жавоб беролмайдилар, янги материални тушуна олмайдилар ва бошқалар.
2. Талабалар илгари эгаллаган билимларини янги шароит ва вазиятларда қўллай билиш заруратига дуч келадилар.
3. Муаммони назарий йўл билан ҳал этиш ва бу танланган йўл, усулни амалга ошириш ўртасида қарама-қаршиликлар бор.
4. Амалда бажарилган топшириқ натижалари ва талабалар томонидан буни назарий жиҳатдан тушуниб йетиш учун билимларнинг йетмаслиги (яъни қарама - қаршиликларнинг бўлиши).

Адабиётларда таълим амалиётида кўпинча учрайдиган муаммоли вазиятларни юзага келтириш тур ва усуллари қуйидагилар:

- муаммоли вазиятнинг мақсади, ҳодисаларни тушуниш, ўрганилаётган тушунчанинг маъноси;
- муаммоли масалани ўрганишдан мақсад эгаллаган билимни амалда қўллаш усуллари, йўлларини излаш;

- талабаларда ҳодиса ва ҳақиқий ҳаётий далиллар орасидаги қарама-қаршиликлар ва ноаниқларни тушунтириб беришга ҳаракат қилиш учун фаолият уйғотиши.

Педагогик адабиётларда асосан муаммонинг **уч даражаси** кўрсатиб ўтилган:

**Биринчи даража:** шу билан фарқ қиласиди, ўқитувчи ўзи муаммони ўртага қўяди ва талабаларни мустақил муаммони ҳал этиш йўлларини излашга йўналтирилади.

**Иккинчи даража:** ўқитувчи муаммоли вазиятни фақатгина юзага келтиради, талабалар мустақил равишда муаммони ўрганадилар ва унинг йечимини топадилар.

**Учинчи даража:** энг юқори даража бўлиб унда ўқитувчи ҳаттоки ҳеч қандай муаммони ҳам кўрсатмай, балки талабаларни унга фақатгина -тўқнаштириб| уларнинг ижодий фаолиятини йўналтириб, раҳбарлик қилиб туради ва эришилган натижаларга баҳо беради. Талабалар муаммони мустақил равишда ўрганиб ўзлаштирадилар ва унинг ечимини топиш йўлларини излайдилар.

Таълим муаммоларини қўйиш жараёнини<sup>4</sup> йенгиллаштириш учун баъзи қоидаларга риоя қилиш зарур. Муаммони шундай ҳал этиш керакки, илгари берилган билимларни янги муаммо йечимини ўрганиш йўли билан боғланган ҳолда ишни ташкил этиш лозим.

Муаммоли ўқитиши талабга мувофиқ самарали бўлиши учун уни ўқув жараёни, таълим - тарбия ишлари асосининг бир қисми бўлиб қолиши зарур. Шу муносабат билан ўқув дастурини ўзлаштириш жараёни иерархик қонуниятларига ёндашиб ва дидактикада бу жараёнда ўқитувчининг бошқарув фаолияти (функцияли) меъёрига боғлиқ индивидуал билим олиш маҳоратининг шаклланишининг икки даври кўрсатиб ўтилган.

4. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

**Биринчи давр** - маҳоратни оширишнинг бошланғич даври бўлиб, бунда турли маълумотларни эгаллаб олиш ва бу маълумотларни ўзлаштиришдан иборат. Бу давр ўқитувчининг талаб ўкув фаолиятини ташкил қилишда шахсан иштирок этишини талаб қиласди.

Муаммоли маърузани ўтиш даврида талабаларнинг мотивлари, қизиқишлигини, ижодий фикрлашни, фаолиятларини йўналтиришлари муҳим ўрин тутади.

Талабаларни семинарда маъруза билан чиқишлари босқичма-босқич тайёрланади. Биринчи босқичда ўқитувчи талабалар семинар мавзуларини танлаб олишларини таъминлайди. Шу нарса аҳамиятли, олдиндан талабалар мавзу танлашда расмиятчилик билан қарашларига юл қўйилмаслик керак. Талабаларни ўрганаётган мавзуларнинг аҳамиятини англашлари, уни чуқур ўрганишлари фанни кейинчалик муваффақиятли ўзлаштиришлари, касб фаолиятларида замонавий илмий-ижтимоий муаммоларни аниқроқ тушуниб етишлари катта ўрин тутади.

**Педагогик инновация –ўқитувчини маҳоратини ривожлантирувчи омил.**

Дарснинг сифати ва самарадорлиги қўп саҳифали тузилган дарс режасига боғлиқ бўлмайди. Режада мақсадлар амалга ошириладиган ишлар, ким, нимани ва қачон амалга ошириш, ҳар бир хатти-ҳаракатлар вақти сонияларга бўлинган бўлсада, дарсга тайёрланишга қанча меҳнат ва вақт сарфланса ҳам дарсдан қониқиши, кўзланган мақсадга эришмаслик ҳам мумкин. Баъзан пухта (синчиклаб) ишланган дарс режаси остин-устун бўлиб кетиши, ўқитувчи худди бўш ўкув хонасида дарс берганга ўхшаб қолиши мумкин. Дарс жараёни ўта мураккаб бўлиб, ўқитувчи жуда қўп педагогик омилларни ҳисобга олиши керак: дарс куннинг қайси қисмида ўтилади, талабанинг мияси чарчамаган дастлабки соатлардами ёки охирги соатлардами, мавзу мазмунининг мураккаблиги қандай, ушбу мавзуни талабалар мустақил билиш фаолиятларини шакллантиришдаги роли ва ҳоказо.

**Дарс - бу ижодкорлик, лекин ижодкорлик фақат ўқитувчи учун эмас, балки аввало, бор талаба учун ҳам ижодкорликдир.** Талабани дарсда фаол қатнашмаслиги дарснинг муваффакиятсиз бўлишига олиб келади.

Ўқитувчи дарсда талабалар ҳамкорлигисиз қанчалик меҳнат қилмасин, у дарсда яккаланиб қолган ҳолда ўзига ўзи дарс ўтади.

Дарс ҳар бир талабани ижодкорга айлантириш, уларни дарсда фаол бўлишга, қатнашишга, доимо фикрлари баён этишга тайёрганилари - **ўқитувчининг педагогик маҳоратини белгилайди.**

Бундай ўқитувчи талабани билим олишга қизиқтира олиши, ундаги яшириниб ётган мотивацияларини рўёбга чиқариши, бунинг учун қўнглига йўл топиш лозим.

### **Аввал қизиқтириш, сўнгра ўргатиш лозим.**

Ўқитувчининг фикри ва сўзи талабаларни етаклаши, уларни ўйлаш, мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш ва ҳар гал янгидан-янги қонун ва қоидаларни фаол очишга имконият яратиши керак. Бунинг учун ўқитувчи фақат дарс мавзусини ҳар хилда қизиқарли маълумолар билан бойитиши, талабаларни фикрлаши учун муаммоли вазиятлар ҳосил қилиши, уларда ўрганилаётган мавзуга<sup>5</sup> қизиқишини уйғотиш лозим.

Дарснинг муваффакиятли ва сифати ўқув гурухини муайян мавзуни ўрганишга моил қилиш, уларни янги мавзуни қабул қилишга тайёрганиш дикқатни жалб қилишга жуда боғлиқ бўлади. Шунинг учун талабаларни янги материални қабул қилишга тайёrlаш керак.

Агар талаба гап нима ҳақида бораётганини тушунмаса билим олишга бўлган муносабати ва қизиқиши тезда сўнади.

Бизнингча мустаҳкам билим бўлиши учун ҳар бир дарсда талабалар билан ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб ўtkазилиши лозим ва шу йўл билан талабалар билимини мустаҳкамлаб олиш мумкин.

5. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Маълум бўлган материалдан номаълумга ўтиш кўпригини қўйиш учун талабаларга мазкур фан бошқа фанлар бўйича ўтилган мавзуларга қайтиб келиш учун талабаларга уйга вазифа берилиши лозим.

Ўқитувчининг маҳорати кимга нимадир тушунарсиз бўлганлигини ўз вақтида аниқлаб, олишдан иборат.

Талабаларга нимани ўрганаётганларини фаҳмлаб олишларига, назарий билимларини амалда қўллашларига имконият яратиш ва ўргатиш лозим.

Дарсни шундай жиҳозлаш керакки, талабалар ўз қўллари, ақли, идроки билан хар хил схема, тарқатма материаллар, ўйинлар, масала ва мисоллардан фойдаланган ҳолда мустақил ишлашларига шароит яратилган бўлиши керак.

*Талаба билимларни ютиб оловчи наҳанг эмас, балки машъалдир, уни ёқииш, аланга олдириши лозим ва шу алангани узлуксиз ушлаб туриши лозим.* Ўқитувчи шундай бўлиши керакки, талабаларга билимлар асосини бериш билим олишга бўлган қизиқишини аланга олдириш, билим олиш йўлларини ўргатишдан иборат. Шунда талаба эришилган натижалар билан кифояланиб қолмай, келажакка умид билан қарайдиган бўлади ва ёшлиқда ёқилган машъал талабанинг бутун ҳаёти давомида ёниб туради.

Талабалар ўз фикр ва мулоҳазаларини фараз ва гумонларини ҳамда таклифларини айтишга қўрқмасликлари керак. Агар бу ишни билими паст талаба ҳам бажаришга журъат этса, мақсадга мувофиқ бўлади ва уларни дарс жараённида бунга жалб этиш лозим. Ҳар доим зеҳнли ва зийрак талабалар билан савол-жавоб ўтказавериш мақсадга мувофиқ эмас, шундай қилиш керакки, энг уятчанг ва ўртача ўзлаштирувчи талабалар ҳам ўз фикри ва мулоҳазаларини эркин сўзлаб берсин, савол-жавоб дўстона олиб борилиши лозим.

Ўқитувчи талабаларда мавжуд бўлган фанлардан қўрқиши, ўз кучига ишонмаслик, ҳиссиётларини бошқара олмай ўзини йўқотиш, бефарқлик аломатларидан қутқаришлари керак ва уларда ўз имкониятлари мавжудлигига мунтазам равишда ишонч туғдириб бориши лозим.

Ўқитувчи дарс мавзусини баён этиб ҳамма биргалиқда бир фикрга келишган бўлса, мавзунинг моҳияти очилган бўлса, дарс ниҳоясида бефарқ талабалар қолмайди. Талабалар билим олишга қизиқиб, яна илгари томон ҳаракат қиласи натижада педагогик жараёнда илгари томон ҳаракат қиласи натижада педагогик жараёнда бўлса, ўз-ўзини бошқариш, ҳамкорлик усули самарали бўлади.

### **Таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш.**

**Педагогик технология** - бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга муайян шароитда таъсир қўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёндир. Замонавий педагогик технология таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучdir. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти олдиндан ўрнатилган мақсадларга эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёнини лойихалаш ва амалга оширишdir.

Таълимни мақсадга кетма-кет йўналтириш асоси тезкор қайта алоқа ҳисобланиб ўқув жараённинг барча бўғинларига кириб боради ва улардан таълим-тарбия жараённида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар ПТнинг ўзига хос жиҳатларни ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Уларни ПТ принциплари деб қаралади.

**Принцип-лотинча сўз бўлиб асос,** дастлабки ҳолат, бошҳарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Биз ПТ принциплари деганда лойихалangan ўқув тарбиявий жараённи амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёrlар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ходиса принцип бўлиши мумкин, агарда уни ўқув жараённида ҳисобга олиш зарур бўлса, яъни, унга таянилса, ПТ принципларини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

1. Мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади.

2. Дидактик жараённинг объектив қонуниятлари.

3. Таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар.

Янги ПТни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳам, тузилиши ҳам моҳият жиҳатдан яхлитлик принципига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементларини ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади. Яъни, **таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (*nega va nima учун?*), ўқув жараёни мазмуни (*nima?*), ташкилий шаклларни (*қандай?*), ўқитиш методлари ва воситаларини (*nima ёрдамида?*) саралаш ва танлашга кўмаклашиш**, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак. Яхлитлик принципи ПТни ташкил этувчи элементлардан бирини янгилаб, қолганларига тегмасликни, қайта кўрмасликни инкор этади. Яъни, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас.

**Биринчидан**, таълим-тарбия мақсади янгиланди, эркин фикрлайдиган фуқарони, баркамол инсон шахсини шакллантириш зарур.

**Иккинчидан**, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини тубдан қайта қуришни, янги ўқув дарслкларини яратишни келтириб чиҳаради.

**Учинчидан**, таълим-тарбиянинг янги мазмуни ахборотларни талабаларга маълум вакт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади.

ПТ мақсадли таълим тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар анъанавий педагогикада мақсад муаммосига назариячилар ва амалиётчилар кам эътибор қаратишган бўлса, ПТ да бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати амалда ажратиб кўрсатилади:

1. Ташхисланадиган мақсадли таълим ва ўқув материалини ўзлаштириш сифатини объектив назорат қилиш.

## 2. Умумий ҳолда шахсни ривожлантириш.

ПТ ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синфда амалга оширишни қўзда тутади. Шу боисдан ПТнинг муҳим принципи - бу бўлажак ўқув тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш принципидир. Лойиҳаланган технология дарс мавзусига ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти ПТни олдиндан кўришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактив жараён гурӯҳ талабаларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши муҳимдир. Шундагина якуний натижка қўлга киритилади, мақсадга эришилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши<sup>6</sup> ПТнинг яна бир муҳим принципидир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, ҳар қалай маълум натижалар бўлиши талабаларнинг ўқув материалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий. Бироқ бу ерда якуний натижка тасодифий ва паст кўрсаткичга эга бўлади. Хўш якуний натижка қайси поғонада бўлиши керак. Бу саволга жавобни ПТнинг жуда муҳим принципи-ўқитишнинг тугалланганлик принципи жавоб беради. Бу принцип бўйича ўқув материалининг 55 фоизи ўзлаштирилса «қониқарли» деб ҳисобланмоқда. Тугалланганлик принципи ўзгарувчан қийматига эга бўлиб, у ошиб бориши керак.

Янги ПТнинг яна бир принципи - бу эгилувчанликдир. Бу принцип асосида яратилган ПТлар таълим босқичларининг турлари учун ҳам қўл келади.

6. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Масалан, олий ўқув юрти учун лойиҳаланган технологиялар қисман ўзгартиришлар киритилиши билан академик лицей ёки қасб-хунар коллежлари учун ҳам қўллаш мумкин бўлиб қолади. Бунда ўқув материалининг ҳажми ва талабаларнинг юкланганлик даражаси ҳисобга олиниши керак. Шундай қилиб ПТнинг эгилувчанлигини таъминлаш ўқитувчидан дидактик жараённи кўриш қонуниятлари билан чукур таниш бўлишни тақозо этади.

**ПТ кўрсаткичлари. Замонавийлик** таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактика оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлиги Миллий дастур ғоясидир. Педагогик жараёнда сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инқирозга учрайди. Шу жиҳатдан олганда таълимни мазмунини узлуксиз янгилаб бориш ПТнинг жиддий шартларидан биридир. Бу йўналишда олиб бориладиган ишлар, биринчи навбатда, ўқув дастурларидан таълим-тарбиявий аҳамияти кам бўлган тарихий материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди.

**Илмийлик таълимнинг** дидактик масалаларини белгилашда фаннинг абстракция поғоналаридан тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ўқитиш назарияси ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини доимий равища ривожлантириш шарт. Шундагина замонавий таълим тўғрисида ижобий фикрлар айтиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилишни, унинг натижаларини амалиётда қўллаш зарурлигини кўзда тутади.

**Ўқув жараёнини мақбуллаштириши** - кам куч сарф эвазига ўқитувчи ва талабанинг ўқитиш мақсадида эришишдир. Бу эса таълим жараёни учун энг мақбул шароит яратишни, лойиҳаналаётган дидактик ~~жебосқичларига~~ мос ҳолда ўқитиш методларини, шаклларини, техник воситаларни танлаш белгиланган мавзу мақсадига мувофиқ тарзда ва ўқув вақти миқдорини ҳисобга олиб амалга ошириш кераклигини талаб этади.

Ўқитувчи ва талабанинг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада - кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. *Дидактик жараённи лойиҳалашда ўқитувчи технолог сифатида фаолият кўрсатади*: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материалларини мазмунини саралашда талабанинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши керак ва ниҳоят, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик қўриш керак бўлади. Умуман жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларнинг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, шунингдек, ўқитиш давомида юзага келадиган нокулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб ўқув жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидан биридир. Ахборотли воситалар компьютер, электрон алоқа, телевидениядан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

- а) Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзуни аниқлайдиган дидактик материалларни ишлаб чиқиш;
- б) Ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ўқув жараёни учун замонавий моддий-техник базанинг мавжуд бўлиши ПТнинг навбатдаги сифат белгисидир. Ўқитувчи ва талабаларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида амалга оширилади.

Ўқув - тарбия жараёни натижаларини объектив назорат қилиш ва сифатли баҳолаш ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Маълумки, жаҳон педагоглари уюшмаси томонидан тан олинган икки назорат тури мавжуд: субъектив ва объектив. Субъектив усулда билим ва кўникмаларни текшириш талаба олдига қўйилган саволга олинадиган жавобни эшитишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва талаба жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди. Мисол учун, имтиҳон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш субъектив назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг обьективлигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиширилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг обьектив усулида ўқитувчи ўз ҳукмини талабанинг жавобини белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқланган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солишириш асосида қабул қиласи, субъектив назорат қилишда нафақат мулоҳазалаш ва баҳолаш аниқлиги йўқолади, балки бўлажак мутахассис<sup>7</sup> шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмайдиган зиён етказиш мумкин. Мисол учун, талабада баҳога нисбатан нигилистик (баҳони тўғри қўйилганлигини инкор этиш) ёндашишни юзага келтириб чиқариши мумкин. Афсуски, қатор йиллар давомида биз талabalар билимини субъектив усулда назорат қилиб келдик. Бу эса, табиийки, ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамиша ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафил бўла олмайди.

Талabalар билим ва кўникмаларини баҳолашда автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган йўналишдир. Бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Давлат Тест Маркази (ДТМ) катта тажрибаларни тўпламоқда ва ўз

7. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

ахборотномаларида улар билан кенг китобхонлар оммасини таништириб бормоқда. Юқорида ПТнинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилинди. Янги ПТнинг педагогика ва қатор бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ бўлган хусусий назариясига эга бўлиб, у биринчи галда ўқувтарбиявий жараённи илмий асосда кўришган йўналтирилгандир. Ўқитишининг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол методлардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитувчиларнинг дастурли фаолиятига педагогик технология замин яратади.

**Талабанинг мантикий фикрлаш қобилиятини ошириш - врач-педагогнинг асосий вазифаси.** Ҳозирги вақтда таълим жараённида ўқитишининг замонавий методлари кенг шуғлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараённида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчилар ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараённида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, **кичик гуруҳларда ишиш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар** каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки **интерактив методлар** деб ҳам аташади.

**Интерфаол методлар деганда**-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи булган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи

бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ болган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали урганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Кичик гурӯхлар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Таълим олувчилар врач-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни мухокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Врач-педагог таълим олувчилар билан биргаликда –Баҳолаш варақаси<sup>8</sup>ни ишлаб чиқади.

Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равища амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурӯхларда ишлашлари мумкин.

Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурӯхлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини –Баҳолаш варақаси<sup>8</sup>да қайд этилади. Таълим<sup>8</sup> олувчи ёки кичик гурӯхлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қўйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа қуёнишидаги ёзма ҳисобот.

Врач-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сұхбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

8. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Врач-педагог -Лойиха́л методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиха ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиха иши билан таништириши, лойихалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

**-Лойиха́” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:**

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурӯҳий иш;
- жамоа иши.

**“ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН” МЕТОДИ**

**“Йўналтирувчи матн” методи** - таълим олувчилар мустақил равиша йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган методdir.

-Йўналтирувчи матн методида врач-педагог ва таълим олувчи фаолияти.

-Йўналтирувчи матн методининг барча босқичларида врач-педагог фаолияти -пассив, таълим олувчи фаолияти эса -актив бўлади. Чунки таълим олувчилар врач-педагог томонидан олдиндан тайёрланган материаллар асосида мустақил равиша фаолият кўрсатадилар. -Йўналтирувчи матн методидан ўқув амалиёти дарсларида фойдаланилди. Ушбу методни ўтказиш босқичлари -Лойиха методининг босқичлари билан бир-хилдир. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида таълим олувчилар мустақил ишлайдилар. Қарор қабул қилиш ва хулоса қилиш босқичларида таълим олувчилар ва врач-педагог орасида -қайтар алоқа ўрнатилиб, биргаликда муҳокама қиласдилар. Таълим олувчиларга бошланғич босқичларда муҳандис-педагог томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатларга техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар ва рақаси, баҳолаш ва рақаси ва бошқалар киради.

## **“Йўналтирувчи матн” методининг босқичлари:**

Врач-педагог топшириқларни, тарқатма материалларни ва йўналтирувчи саволларни ишлаб чиқади.

Таълим оловчилар мустақил равища дарслик, схемалар, тарқатма материаллар, йўналтирувчи саволлар асосида топшириққа оид маълумотлар ийғадилар ва –Йўналтирувчи матн тузадилар.

Сўнгра таълим оловчилар мустақил равища –йўналтирувчи матн асосида иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим оловчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситаларни режалаштирилиши лозим.

Таълим оловчилар врач-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни мухокама қилишади. Таълим оловчилар бажариладиган ишлар кетма-кетлиги бўйича қарор қабул қиласадилар, врач-педагог эса фақат маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

Таълим оловчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равища якка тартибда ёки гурухларда амалга оширадилар. Бу босқичда таълим оловчиларнинг амалий қўникмалари шаклланади. Врач-педаголгар топшириқнинг бажарилишини –Назорат варақасиға қайд қилиб боради.

Таълим оловчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар ва –Баҳолаш варақасиғни тўлдирадилар. –Баҳолаш варақасиғда сифат мезонлари, яъни талаб этилган меъёrlар берилади ва улар эришилган натижа билан таққосланади.

Врач-педагог ва таълим оловчилар биргаликда иш жараёнини ва эришилган натижаларни якуний сухбат давомида таҳлил қиласадилар. Ушбу сухбатда барча таълим оловчиларнинг натижалари баҳоланади ва келажакда иш жараённада нималарга эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

–Йўналтирувчи матн методи –Лойиҳа методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қуийдаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- Йўналтирувчи матн методи таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;

- Лойиха́ методи эса таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

***“Йўналтирувчи матн” методининг афзаликлари:***

- таълим олувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
- таълим олувчиларда мулоқот қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- таълим олувчиларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиради.

***“Йўналтирувчи матн” методининг камчиликлари:***

- кўп вақт талаб қиласи;
- танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- таълим берувчидан катта<sup>9</sup> тайёргарлик куриш талаб этилади.

**Ўқув жараённида янги ахборот технологияларини қўллаш педагогик методларининг кенгайиши, педагоглар меҳнат фаолиятининг ўзгариши, иш услубларининг такомиллашиши, педагогик ходимлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса педагогик жараённи бошқаришни ташкиллаштиришда ўзига хос вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.**

***Замонавий ахборот технологиялари воситасида педагогик жараённи самарали ташкил этиши учун:***

- ўқитувчилар ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши;

9. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

- масофавий ўқув курслари ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар ва компьютер дастурчилари, мутахассисларининг бирлашуви;
- педагогик жараённи ташкил қилишни такомиллаштириш ва ўқитувчилик фаолиятининг самарадорлигини мониторинг баҳолашни тақозо этади;

### ***Янги технологиялар педагогик фаолиятининг:***

- таълимнинг технологик асосининг тез ривожланиши билан боғлик равиша курсларни яратишдаги мураккаб жараённинг енгиллашуви;
- ўқув курсларини яратишда маҳсус малакаларнинг шаклланиши;
- масофавий курсларнинг очиқлиги сабаб уларнинг сифатига бўлган талабларнинг ва ўқув материалларининг самарадорлигини назорат қилишга эҳтиёжининг юзага келиши;
- ўқув жараённида талаба фаолиятининг ривожланиши, ўқув жараённи салмоғининг ўқитувчидан талабага кўчиши;

Янги комуникатсия технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчининг ҳар бир талаба билан тескари алоқасининг вужудга келишини таъминлайди.

Ҳозирда таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникатсия технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу ўз навбатида, педагоглардан ўзларининг меҳнат фаолиятига янгича ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнига янги технологияларининг жорий этилиши ўқитувчининг техник воситалар томонидан сиқиб чиқарилишга сабаб бўлмай, балки унинг вазифалари моҳиятини ўзгартиради. Ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади. Энди ўқитувчи:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курслари яратувчи;***
- фасилитеутор – ўқитиши методлари бўйича маслаҳатчи;***
- инвигилатор – таълим натижаларини назорат қилиши усуллари бўйича мутахассис* бўлиши керак.**

Замонавий технологиялар масофавий таълимнинг янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари биргаликда ўқув курсларини яратишлари лозим бўлади. Масофавий ўқитиш курсларини яратишда дастлаб куйидагиларни аниқлаш лозим:

- курсларнинг мақсади;
- мақсадга эришиш йўллари;
- ўқув материалларини тақдим этиш усуллари;
- ўқитиш методлари;
- ўқув топшириқларининг турлари;
- муҳокамалар учун саволлар;
- мунозара ва баҳсларни ташкил этиш йўллари;

Буларнингбарчасикурсларияратувчилар – ўқитувчилар  
(курслардизайнери)

ватехнологиялармутахассисларҳамкорликдаамалгаоширадилар.

Масофавий ўқитиштизимининг<sup>10</sup> яратилишипедагогикжараённингта ко миллаштирилишиваунингмониторингиолибборилишиниталабқилади. Педагогикфаолиятсамарадорлигинимониторингқилишванедагогикжараённиташкилэтишнитакомиллаштиришиқуидагиларнитақозоэтади:

– масофавийкурсларияратувчивайетказувчимутахассисларжамоасинингкучс изжиҳатларинианиқлашватаҳлилэтиш;

- масофавий курслардан ўтган талабаларнинг фикрларини таҳлил қилиш;
- бошқа таълим муассасаларининг масофавий ўқитиш бўйича педагогик жараённи ташкил этиш таҳлил қилиш.

10. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

## **Назорат саволлари:**

1. «Педагогик технологиялари» тушунчаси.
2. Педагогик технологиянинг тузилмаси.
3. Замонавий авторлик педагогик технологиялар.
4. «Технология» тушунчасини таълим соҳасида, педагогик жараёнларда қўллаш.
5. Технологик ёндашув таълим соҳасида қандай имкониятлар яратади?
6. Интерактив ўқитишининг методларини айтинг ва уларнинг ўқитиши афзаликлари.
7. Инновация тиббиёт соҳасида ва ўқиш жараёнида қандай татбик қилинади?
8. Пед. технологиянинг горизонтал аспектига нима киради?
9. Жаҳон педагогик технологияларни қандай турлари бор?
10. Вертикал технологияларнинг турлари ва мақсади.
11. Янги педагогик менталитет қандай шаклланади?
12. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
13. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
14. Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишининг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
15. Стоматология фанларини ривожлантириш жараёнлари.
16. Стоматология фанларини ўқитиши жараёнида инновациянинг роли.
17. Замонавий педагогик технологиялар орқали стоматология фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
18. Музокара (дискуссия) ўтказишнинг бта босқичини айтинг.
19. Гурухли музокаранинг Зта устун томонини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Jean M. Bruch Nathaniel S. Treister/Clinical Oral Medicine and Pathology.2016,USA.
- 2.Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услугий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,
- 3.Л.В.Голиш, Б.ХодиевМустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.

## **2-мавзу МАЪРУЗА МАТНИ СТОМАТОЛОГИЯДА ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ БОЛАЛАРДА ПАРОДОНТ ВА ОҒИЗ БЎШЛИГИ ШИЛЛИҚ ПАРДА КАСАЛЛИКЛАРИ. ТАШХИСИ ВА ЯНГИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **Маъруза режаси:**

- 1. Болаларда кечадиган пародонт касалликлари этиологияси ва патогенези.**
- 2. Пародонт касалликлари таснифи.**
- 3. Клиник манзараси, ташхислаш ва даволаш режаси.**
- 4. Пародонт касалликлари профилактикаси.**
- 5. Оғиз бўшлиғи шиллиққавати касалликлари таснифи.**
- 6. ОБШҚ касалликларининг клиникаси, диагностикаси, қиёсий ташхиси.**
- 7. ОБШҚ касалликларини даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.**

**Таянч ибора ва тушунчалар:** пародонт касалликлари, унинг этиологияси, патогенези, оғиз бўйлиги ишллиқ пардаси, инфекцион стоматит, пародонтоз, пародонтолиз, пародонтома, прикус, пародонтит, пародонтолиз, нейтропения.

Пародонт - тиш атрофида унга жипс жойлашган: милк, айланма боғлам алвеоляр суяқ, периодонт тўқималар мажмуасини ўз ичига олган юмшоқ ва қаттиқ тўқималар комплексидир. Бу тўқималар умумий морфологик ва физиологик системанинг элементлари ҳисобланади.

Болаларда пародонт тўқимаси узоқ вақт мобайнида тиш тараққиёти, шаклланиши ва ёриб чиқиш даврида, илдизлар шаклланиш даврида бир қатор физиологик ноқулай шароитда бўлади. Ана шу ноқулайликлар, болаларнинг умумий касалликлари айниқса, маҳаллий сабабларнинг вужудга келиши пародонт тўқималарида ҳар хил енгил ва жуда оғир кечиши мумкин бўлган касалликларни юзага келтириши мумкин.

1983 йил иттифоқ стоматологларининг XVI пленумида (Ереван шахри) пародонт касалликларини қуйидагича таснифи қабул қилинган.

**I. Гингивит-Милк тўқимасини яллиғланиши.** Бундатиш-милк эпителиал бирлиги бузилмаган бўлади.

Шакли: катарал (серозли), гипертрофик, атрофик. Тарқалиши: чегараланганди, диффуз.

**II. Пародонтит** - милк, периодонт, суяқ альвеоласининг биргаликда яллиғланиши, бунда пародонтал ёки патологик чўнтак хосил бўлади.

**босқичлари:** бошлангич, ривожланган (I, II, даражали) тарқалиши: чегараланганди, диффуз.

**III. Пародонтоз** - пародонт тўқимасини дистрофияси асосан суяқ тўқимасида кечади. Бу шакли болаларда учрамайди.

Пародонтолиз - пародонт тўқимасини оғир дистрофия билан кечадиган яллиғланиши. Болаларда туғма синдромларда, оғир касалликларда содир бўлади.

## V. Пародонтома - Пародонт тўқималарининг ўсмалари (жарроҳлик стоматология).

Болалар ўртасидаюқорида кўрсатилган пародонт касалликларидан катарал гингивит хасталиги 80-85% ни ташкил қиласди, 12-15% нигипертрофик ва атрофик гингивитни, 15 ёшли болаларда пародонтит хасталиги 3-5% ни ташкил қилиш мумкин.

Болалар ёшида пародонт касаллиги асосан маҳаллий сабаблар оқибатида юзага келади.

**Маҳаллий сабаблар:**

1. Тишлардаги қарашлар, тошлар.
2. Бир томонлама овқат чайнаш.
3. Оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмаслик.
4. Нотўғри қўйилган осилиб турган пломба.
5. Нотўғри ўрнатилган ортодонтик аппаратлар.
6. Тил ва лаблар тизгинчаларининг аномал ҳолати.
7. Оғиз дахлизининг кичиклиги.
8. Чуқур прикус.
9. Очиқприкус.
10. Жағларнинг тўлиқмас тараққиёти.

**Умумий сабаблар:**

1. Пубертрат тараққиёт даврида гармонал ўзгаришлар (инфантализм, эрта рўй берадиган жинсий тараққиёт, хайз бузилиши ва х.к.)
2. Эндокрин безлар хасталиги (микседема, гипофизар нанизм, эпидемик зоб, Иценко-Кушинг хасталиги).
3. Марказий нерв системаси хасталиклари (Даун касаллиги-олигофрения ва бошқалар).
4. Қандли диабет касаллиги.
5. Хазм системаси касалликлари.
6. Қон системаси хасталиклари. Болалар ўртасида маҳаллий пародонт сабабларнинг кўпчилигини чегараланган ёки ўчоғли пародонт хасталигини вужудга келтиради.

Умумий сабаб асосида содир бўлган пародонт яллиғланиши кўпчилик ҳолда диффуз тарқалган бўлади.

**Сурункали катарал** (серозли) гингивит 80-85% болаларда учрайди. Кўпчилик болаларда шикоят йўқ. Сўроқ пайтида тиш тозалаганда, қаттиқ нарса чайнаганда милк қонаши маълум бўлади. Кўрик пайтида тишлар орасидаги милк сўрғичларининг қизаринқирагани, уларда сув йиғилганлиги (отек) аниқланади. Бармоқлар билан босилса қонаш аломати кўринади. Тишларнинг милкка тегиб турган бўйин қисмида юмшоқ ва қаттиқ карашлар, чўқмалар борлиги аниқланади. Милк остида хам тошларнинг пайдо бўлаётганини гувоҳи бўламиз.

**Гипертрофик гингивит.** Кўпчилик холларда балофат ёшида қизлар ва балофат ёшидаги болаларда рўй беради. Бу холга кўпинча маҳаллий нохуш сабаблар борлиги сабаб бўлади.

Клиник кўринишига биноан 3 хили фарқланади:

1. Грануляцияланувчи шишли.
2. Фиброз формаси.
3. Арапаш (фиброз яллиғланувчи) формаси.

Шишли хилида милклар ўсган тўқ-қизил тусдаломшоқ, тезда қоновчи бўлади. Милк остида доимо тўқ жигарранг тусдаги тошлар мавжуд бўлади. Ёлғондакам пародонтал чўнтак ҳосил бўлади.

Бемолар милкларини қонашига, ҳажмини ошганлигига, оғиздаги кўланка хидга шикоят қилишади.

Фиброзли турида милкларнинг ҳажми-массаси ошган, ранги одатдагидек, шакли ўзгарган, пайпаслаганда қаттиқ консистециясига эга. Милкларда қонаш аломати бўлмайди. Милк ости тошлари мавжуд.

**Атрофик гингивит.** Болалар ўртасида камроқ учрайди. Бир ёки бир неча тиш атрофида милк массаси камаяди. Милк усти, милк ости тиш тошлари бўлмайди.

Гингивитлар пародонт тўқимасининг фақат милк қисми яллиғланишидир.

Бунда физиологик милк тиш чўнтағида ўзгариш бўлмайди.

**Пародонтит.** Бу хасталиқда дистрофик яллиғланиш жарағын бутун пародонт түқималарини қамраб олади. Бу касалликда милк яллиғланиши, патологик чүнтак хосил бўлиши, алвеоляр сүяқ ўсиғини остеопорози, сийраклашуви ва сўрилиши, тишларнинг лиққилаб қолиш белгилари қайд қилинади. Келтириб чиқарувчи сабабларга кўра чегарланган ва кенг тарқалган турлари учрайди. Болаларда кўпчилик ҳолларда маҳаллий сабаблар содир қиласиган чегарланган тури қайд қилинади. Маҳаллий сабаблар чақирадиган пародонтит хасталигининг баъзи бирлари билан танишиб чиқамиз: Чуқур прикусда Фронтал тишларга нормадан юқори нагрузка тушади. Тишлар пастки ва юқори жағларни сурункали тарзда жарохатлаб туриши оқибатида фронтал тишлар атроф пародонтитда яллиғланиш вужудга келади.

Очиқ прикус (кийшайиш) тишлар тўлиқ фаолияти бузилади. Пародонт түқимасида қон айланиш ва модда алмашинуви жараёнлари бузилиши оқибатида яллиғланиш вужудга келади.

Лаб ва тил тизимчаларининг калталиги, йўғон тортиши ва милкка нотўғри бирикиши оқибатида, тиш милки чайнаш пайтида доимо тортилиб, милк чўнтаклари очилади, овқат қолдиқларига тўлади. Овқат қолдиқлари бижғиши оқибатида яллиғланиш пайдо бўлади.

**Пародонтолиз** - идиопатик синдромларни ўз ичига оловчи, оғир кечадиган яллиғланиш ва дистрофик жараён бўлиб, пародонт түқимасида оғир ўзгаришлар содир бўлади. Милк яллиғланиши, патологик чўнтаклар, йирингли яллиғланиш, алвеоляр сүяқ ўсиғини фаол сўрилиши, тишларнинг лиққилаб қолиб тез орада тўлиб кетиши билан характерланади.

**Асосий белгиси** - алвеоляр сүяқ ўсиғини жадал сўрилишидир. Бундай хасталикка чалинган болаларда. Оғир қандли диабет, доимий ёки циклик нейтропения, дисглобулинэмия, акаталазия, Папийон-Лефевр синдроми, Сурункали ретикулогистиоцитоз каби оғир кечувчи хасталиклар мавжудлиги аникланади.

## **Папийон - Лефевр синдроми (кератодермия).**

Пародонтнинг бу хасталиги 1924 йилда Папийон ва Лефевр томонидан кузатилган. У генетик асосга эга бўлиб, сабаби аниқланмаган касалликдир. Хасталикнинг биринчи белгилари оғиз бўшлиғида биринчи тишларнинг чиқиши билан аниқланади. 2-3 яшар болаларда милк тўқимаси яллиғланиб, шишиб қизаради, қанаш белгиси пайдо бўлади. Пародонтол чўнтаклар хосил бўлиши ва уларнинг ёш ошган сари чукурлашуви, улардан серозлиэксадатлар ажралиб чиқиши кузатилади. Милкларда йирингли бўшлиқлар (абсцесс) пайдо бўлади. Тишлар лиқиллаб тушиб кетади.

Тишлар тушиб кетганда ёки олдирилганда жараён тўхтаб, янги тишлар чиқиши билан улар атрофида яна янги жараён бошланади ва шу тариқа барча тишлар тушиб кетгунича давом этади.

Рентген тасвирда моляр тишлар атрофида, суюк тўқимасида ликончасимон, курак тишлар атрофида горизонтал йўналишдаги суюк тўқимасининг емирилиши (лизис) кузатилади.

Пародонт тўқимасининг бундай хасталигига оёқ ва қўлларнинг кафтюзасида, баъзан билак терисида кучли шохланиш натижасида терининг қалинлашуви (гиперкератоз) ва бу соҳдлар териси сариқ-новвот тусга кириши шифокор эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Бундан ташқари кучли терлаш белгиси, тирноқлар хиралашиб мўрталашуви, тез-тез синиши каби белгилар хам қайд этилади.

Бемор болаларнинг умумий ахволи ўзгармайди, бироқ тишлар лиқиллаб, уларнинг фаолияти пасайиши оқибатида овқатланиш жараёни сусаяди. Бунинг натижасида bemorларда анемия ва гипотрофия белгилари кузатилади.

**Нейтропения** - наслдан наслга ўтувчи, болалар ўртасида жуда кам кузатиладиган касаллик бўлиб, қонда ва суюк кўмиғида нейтрофил лейкоцитлар (оқ қон танаҷалари)нинг кескин камайиб кетиши билан кечади. Қон таркибида нейтрофил лейкоцитларнинг кескин камайиши, уларнинг хосил бўлиш жараёнини бузилиши натижасида кузатилади. Олимлар тахминича, бунинг асосий сабаби-нейтрофил лейкоцитларнинг етилиш жараёнини

таъминловчи ферментларнинг оргазизмдаги танқислигидир. Нейтропения хасталиги турғун ва циклик-клиник равишда кечади.

Касалликнинг икки турида хам пародонт тўқимасида ярали милк яллиғланиши, тишларни чиқиши ва алмашиниш даврларида кузатилади. Хасталанган милк кейинчалик гиперплазия оқибатида қалинлашиб, олдинига милк чўнтаклари, кейинчалик пародонтал чўнтаклар хосил бўлишига сабаб бўлади. Хасталик белгиларини ёш болаларда З ёшдан бошлаб кузатиш мумкин. Беморнинг тишлари хасталик оқибатларда жуда эрта тўкилиб кетади (шу жумладан доимий тишлар хам). Даво чоралар яхши натижалар бермайди.

Лаборатория усулида bemorning қонини таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар ташхисни тўғри аниқлашда ёрдам беради. Қон маълумотлари, ундаги нейтрофил лейкоцитларнинг тўлик ривожланган турларини йўқолиб бораётганлигини кўрсатади.

Хасталикнинг даврий турида бундай хол 4-5 кун давом этади ва яна маълум кунлар ўтгач такрорланади. Ўртacha хуруж вактида bemorning тана харорати кўтарилиб, умумий ахволи кескин ёмонлашади. Қон таркибида лейкоцитлар сони кескин пасаяди, моноцитлар ва сони бир мунча ошади.

### Қандли диабет

Бу касалликда болаларнинг пародонт тўқималарида яллиғланиш, деструктив-дистрофик ва дегенератив жараёнлар даволанмаган ёки нотўғри даволанган bemor болалар ўртасида учрайди. Бундай bemorларда жараён жуда тез ривожланиб, катарал, гипертрофик-грануляцияланувчи милк яллиғланишига олиб келади. Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси қизаради, баъзан доғли қизғиши-эрitema белгилари юзага келади.

Қандли диабет касаллигига организмда ацидозли (кислотали) мухит вужудга келиши оқибатида пародонт тўқималарида коллаген толалар бўкиб, уларнинг йўғонлашуви ва ғоваклашуви натижасида пародонтал чўнтаклар хосил бўлиши, грануляцияланувчи тўқима ўсиб чиқиши кузатилади. Чўнтакларда йирингли экссудат пайдо бўлади. Тишлар лиқиллаб, чайнов босилига бардош беролмай, хар томонга қийшайиб кетади (патологик окклузия).

Рентген тасвирида моляр тишлар илдизини ўраб, турган алвеоляр суяк ўсиқларида воронкасимон ёки ликончасимон, курак тишларнинг альвеоляр ўсиқларида эса горизонтал емирилиш қайд этилади. Бу хил емирилишлар суяк чўнтакларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Суяк тўқималарининг сўрилиш даражаси тишлар атрофидаги милкларда содир бўлаётган яллиғланиш жараёнининг чуқурлигига мос келади. Милклар ва суяк тўқимасидаги ўзгаришлар датлаб дисттрофия тарзида кечиб, кейин-чалик яллиғланиш жараёни хам қўшилиши туфайли шиддатли тус олади.

Суяк альвеоляр ўсиқларидаги сўрилиш жараёнини бир гурух олимлар моддалар алмашинуви бузилишининг натижаси деб билинса, бошқа гурух олимлар диабет хасталиги оқибатида содир бўладиган қон томир деворларининг бузилиши (ангиопатия) деб билишади. Ушбу хасталиқда суяк тўқималарида юз берадиган ўзгаришлар, ацидоз мухит ва натижада суяк тўқимасидан калций, фосфор тузларнинг эриб чиқиши сабабли рўй беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, диабет хасталиги оқибатида юзага келадиган пародонт тўқимасидаги ўзгаришлар, уларда тез суратлар билан ривожланадиган структура бузилишлари ва яллиғланиш жараёнлари билан кечиб, саноқли йиллар ичида тишларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Болаларда пародонт касалликларини даволаш Пародонт хасталиклирида ўтказиладиган даво чоралар ва тадбирлар кўп қиррали бўлиб, маҳаллий (симптоматик) ва умумий характерга эга. Агар хасталикни чақиравчи сабаблар маҳаллий хусусиятга эга бўлса, бемор болалар стоматологик поликлиника ва клиникаларда даволанишади. Бунда, асосан хасталик сабабларини аниқлаб, улар бартараф қилинади, оғиз бўшлиғи санацияси ўтказилади, болаларга оғиз бўшлиғи гигиенаси қондалари ўргатилади, тишлар юзаси карашлар ва тошлардан тозаланилади. Жарроҳ шифокорлар маҳаллий сабаблардан: тил, лаб тизимчаларидағи аномалияларни бартараф этиш муолажаларини, оғиз даҳлизини чуқурлаштириш каби жарроҳлик тадбир чораларини амалга оширишлари лозим.

Ички аъзо ва системалар хасталиги оқибатида юзага келган пародонт тўқималаридағи ўзгаришлар сабабини педиатрлар, эндокринолог, психиатр, гематолог шифокорлар билан бирғаликда бартараф этиш зарур. Бундай хасталикларда стоматологлар маҳаллий симптомларни бартараф қилиш учун курашадилар.

Катарал милк яллигланишида айниқса, унинг енгил турини даволашда маҳсус даво чора-тадбирлари кўлланилмайди. Беморга оғиз бўшлиғи гигиена қондалари ўргатилиб, тишларни тоза саклашга эришилса кифоя қиласди.

Катарал гингивит ўртача оғир ва оғир шаклида болалар тишлари юза-сида, милк усти ва остида тошлар пайдо бўлиши билан бир қаторда грануляцияланувчи тўқима шаклланган бўлади. Беморнинг шифокорга биринчи мурожати пайтида тишлар юмшоқ қараш ва тошлардан тозаланади, грануляцияланувчи тўқималар курак тишлар атрофидан соқит қилинади. Ота-оналари ва bemor боланинг ўзига тиш тозалаш қоидалари ўргатилади.

Иккинчи мурожаат (қатнов) пайтида қолган тишлар атрофигрануляцияланувчи тўқимадан, милк усти, милк ости тошларидан тозаланади. Тозаланган тиш милк сатхига гидрокортизон эмулсияси, наъматак мойидан баравар миқдорда олиб паста хосил бўлгунча рух оксиди билан аралаштирилади ва хосил бўлган пастани жарохатли милк устига 2-3 соатга қўйилади (озгина сувли дентин аралаттирилса тез қотади). Бу борада гепиринли малхамни хам худди кўрсатилган усулда ишлатса бўлади.

Беморнинг учинчи-турчинчи қатновида оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражаси назорат қилиниб, милк ости тошларининг қолдиқлари тозаланади, керак бўлган жойларда кюретаж муолажаси такрорланади. Ўтказилган муолажалар таъсирини турғунлаштириш мақсадида милк шиллиқ пардасига гидровибро вакумлар буюрилади. Симптоматик даво-муолажалари даврида 3-4 хафта мобайнида аскорбинат кислотасини (0,05-0,1 г) рутин препарати билан бирғаликда (0,2 - 0,5 - 0,6 г) купига 3 мартадан ичиш учун буюрилади.

Гипертрофик гингивитда ўсиб, катталашган милк сўрғичларини склерозлаштирувчи муолажалар ёрдамида бартараф этилади. Бунинг учун яллигланган милк тўқимасига 60% ли глюкоза эритмасидан ёки бошқа бир

склеротик таъсирга эга бўлган моддалардан 0,2 - 0,3 мл миқдорда 3-4 кун оралатиб 5-6 марта инекция йўли билан юборилади. Ёш болаларда бу ишлар 30% ли учхлор уксус кислотаси билан амалга оширилса енгилроқ кечади. Бунинг учун чап қўл билан пахта болишчалар ёрдамида шиллик пардани ҳимоя қилиб турилиб, ўнг қўлдаги пинцет учига қистирилган сиркали тампонни ешлк сўрғичларига босиб-босиб олинади. 2-3 кун ўтгач қўйиш натижасида некрозга учраб ўлган тўқима ажралиб тушиб, тез кунларда асоратсиз битиб кетади.

### **Пародонтитни даволаш.**

Бу касаллик болалар орасида онда-сонда учраб, даволаниш жараёни катта ёшдаги кишиларницидан фарқ қилмайди. Бундай беморлар терапевт, жарроҳ стоматологлар кўригидан ўтишлари лозим. Мутахассислар ўзаро фикрлашиб, даволаш тадбирларини белгилашлари ва хар бир bemorга хусусий муолажа режаларини қўллашлари зарур. Пародонтит хасталигини келтириб чақарувчи умумий ёки система касалликлари билан оғриган bemorлар касалхоналарда даволанишади. Кон касалликлари билан оғриган bemorлар гематология бўлимида гематолог-шифокорлар, ички секреция безлари фаолияти бузилган bemorлар эндокринологлар хамкорлигига даволанадилар.

Пародонтитларни стоматолог-пародонтолог шифокорлар қўйидаги схема муолажалари асосида даволаш шиларини олиб боришлари лозим:

- 1) яллигланиш жараёнини кучайтирувчи иккиламчи сабабларни (қарашлар, тошлар, микроорганизмлар ва х.к.) бартараф этиши ёки оғиз бўшлигининг санациясини ўтказиш;
- 2) гингтивитларнинг турига қараб, муолажа ўтказиш;
- 3) пародонтал чўнтакларга ишлов бериш (кюретаж қилиш, антисептик, антибиотик эритмалари, фермент препаратлар эритмаси билан ювиш);
- 4) bemorни жарроҳ, ортодонт ва ортопед стоматологлар кўригидан ўтказиш, керакли даво тадбирларни улар томонидан амалга оширилиши;
- 5) педиатр билан маслаҳатлашган холда организмнинг касалликларга қарши умумий турғунлигини оширувчи парх,ez ва витаминларни буориши;

- б) оғиз бўшлиғи гигиенасига мунтазам равшида риоя қилишни тўғри йўлга кўйши;
- 7) тишлар буткул тушиб кетган тақдирда ортопедик, ортодонтик ёрдам кўрсатиш. Болаларда сунчий жағлар (протезлар) хилда камидা 2 марта янгиланиши лозим.

Пародонт хасталикларининг олдини олиш-профилактика тадбирларини болалар ўртасида жуда экта бошлаш зарур. Болаларнинг тиш ва жағлари яхши ривожланиши учун замин тайёrlаш лозим. Бола туғилгандан сўнг биринчи кунларидан бошлаб кўкракни фаол сўриши юз-жағ хомда тишларнинг нормал шаклланишини ва ривожланишини таъминлайди. Пародонт тўқималарининг ахволи тишлар чиқиб бўлгандан кейин уларнинг фаолият жараёни билан чамбарчарс боғлиқдир. Овқатни тўлиқ чайнаш, оғиз бўшлиғи гигиенасига мунтазам риоя қилиш, маҳаллий нохуш сабабларни ўз вақтида бартараф этиш парадонт тўхималари хасталикларининг олдини олимда мухим омиллардан хисобланади.

Болаларнинг умумий ахволини назорат қилиш, хасталикларни ўз вақтида аниқлаб даволаш, болаларни диспансер кўригидан ўтказиб туриш, пародонт тўқималарининг соғломлигини таъминлайди.

Болаларда оғиз бушлиғининг шиллик пардасида катта ёшдаги кишилардагидек қатор, ранг-баранг касалликлар учрайди. Бу касалликларни барчаси кўпчилик ҳолларда умумлашган «стоматит» термини билан ифодалади.

Болалар ёшида оғиз бушлиғи шиллик каватида учрайдиган касалликларни маълум турларга, гурухларга бўлишда. Уни тасниф қилиш жараёнида уларни келтириб чиқарувчи сабабларга таяниб иш тутиш максадга мувофиқдир.

### **Оғиз бушлиғи шиллик пардасида травмалар содир қилиши мумкин бўлган касалликлар.**

Механик травмалар. Купчилик ҳолларда янги тўғилган ва бир ёшгача бўлган болаларда муддатидан олдин чиққан ёки тўғилганда

чиқкан пастки жағ курак тишларининг, бола она қукрагини ёки сурғич суриш жараённида муттасил равишида тил ости шиллик пардасини жароҳатланиши оқибатида яралар ҳосил бўлади. Механик травмалар натижасида содир бўладиган яралар *декубитал* яралар деб ҳам аталади. Ўткир тиш қирралари шиллик пардада эрозия ёки декубитал -яраларини содир киласди.

Тиш алмашнуви даврида сурилиб тушиб кетмаган сут тишларининг илдизлари тил, лаб ва лунж соҳасида ҳам яралар ҳосил қиласди.

Кўкрак эмувчи болаларда кукраг сургичининг дағаллиги, сунний эмизйдларнинг меъёридан узун ва дағал хиллари боланинг қаттиқ ва юмшоқ танглайи соҳасида Беднар ярасини содир қилиши мумкин.

Танглайга ёпишиб колган сабзавот ва мева уруғларининг пустлоқлари узоқ муддаттанглай соҳасда ёпишиб туриб қолиши оқибатида қам шиллик каватда яралар ҳосил бўлиши мумкин.

Нохуш қиликлар: тил сўриш, лаб ва лунж сўриш оқибатида ҳам шиллик каватда жароҳатли яралар ҳосил бўлади.

Клиникаси: болаларнинг умумий ахволи деярли ўзгармаган, тана ҳарорати мейёрда. Кўпчилик ҳолларда болалар овқатланишидан, кўкрак суришдан безиллашади - у оғриқҳосил қиласди.

Шикастланган жойларда қизариш, нотекис чегарали эррозия ёки яралар кўрамиз. Пайпаслаганда кучли оғриқ ва инфильтрация борлиги маълум бўлади.

#### Давоси:

1. Сабабларни йўқотиши.
2. Оғриқсизлантириш.
3. Антисептик ишлов бериш.
4. Эпителизацияни кучайтирувчи воситалар қўллаш.

#### Термик жароҳатлар- болаларда кам учрайди.

Иссик овқатни айниқса, сут, шурва каби суюқовқатлар лаблар, танглай, тил сатхи шиллик пардасини куйдириши оқибатида қизариш, шишиш, баъзан пафакчалар ҳосил бўлади. Пуфакчалар ёрилиб оғриқли эррозиялар вужудга келади.

## Давоси:

1. оғриқсизлантириш.
2. антисептик ишлов бериш.
3. кератопластик моддалар суриш.

Кимèвий травмалар ( жарохатлар). Күпчилик ҳолларда 1-3 ёшли болалар ўртасида содир бўлади. Болалар рўзгорга ишлатиладиган уксус, ишқор каби воситаларни оғзига олиш оқибатида келиб чиқади.

Жароҳатларнинг оғир енгиллиги кимèвий модда концентрациясига боғлик.

### **Инфекция оқибатида юзага келадиган ўзгаришлар.**

Кизамиқўткир инфекцион касаллик бўлиб, филтранувчи вируслар қўзғатади: инкубация даври 7-14 қун.

Клиникаси- терида тошмалар пайдо бўлишидан 1-2 қун олдин оғиз бушлиғида ўзгариш содир бўлади.

Юмшоққисман қаттиқ танглай шиллиқ пардасида қизил доғлар - энантемалар кўринади. Лунжнинг чайнов тишлар соҳасида Филатов доғлари кўринади. Бир нечтадан бир неча юзгача ўлчамлари 1-2мм.дан ошмайди.

Скарлатина қўзгатувчиси гемолитик стрептокок. Инкубацион даври 3-7 қун. Кўпинча 2-7 ёшли болалар ўртасида учрайди. Кучли заҳарланиш аломатлар юзага келади

Клиник белгилари: Юқори ҳарорат-39-40 градус, боланинг умумий аҳволи ёмонлашган. Ютинганда кучли оғриқ. Танглай муртаклари, юмшоқ танглай кескин қизариб соғ тўқимадан ажралиб туради. 2 суткадан бошлаб қизарган шиллиқ парда сатҳида нуқтали энантемалар пайдо бўлади. Тошмалар тезда лунж, милк, шиллиқ қаватларига тарқалиб терида ҳам пайдо бўлади.

### **Ўзига хос белгилари :**

1. Шиллиқ қават, лаблар тўққизил олча рангида
2. Тил сатҳи тўққизил малина мевасини эслатади, қалин қарашиб билан қоплданади. Кейинчалик қарашларкетиб, силлик «лакланган» холга келади.
3. Лимфа тугунлар шишади, оғриқли.

4. Оғиздан бадбуй хид таралади, сүлак қуоклажади.

Дифтерия- ўткир инфекцион касаллик. Леффлер таेқчалари чақиради.

Инкубацией даври 3-10 кун. Күпчилик ҳолларда 1-5 ёшли болалар оғрийди.

Клиник белгилари: Юқори ҳарорат 39 гр. Болалар ютинганда содир бўладиган оғриққа шикоят қилишади. Овқатланишдан бош тортишади.

Муртаклар, танглай пардалари, тилчада кескин қизариш ва шиш аниқланади ва жуда нозик тўрчалардан иборат қараш кўринади. Кейинчалик қараш қалинлашиб қалин парда-пленкага айланиб купая бошлайди, сариқ ва кулранг тус олади. Секин аста тил, милк шиллик пардасига ҳам тарқалади. Лимфа тугунлар шишиб, пайпаслагандага оғриқ пайдо бўла бошлайди, кучли отёк шиш аниқланади.

### **Болалар стоматологи оғиз шиллик пардасида қўйидагича даво**

#### **иилиш мумкин:**

- 1.оғриқсизлантириш: анестезинли сурги, перомекаинлисурги.
- 2.. Антисептик ишлов 1% сув, KmнO, фурацилин. . .
3. Тиш милк чўнтакларини антисептиклар билан ювиш.
4. Протеологик ферменларни чаплаш (трипсин, химотрипсин, химопсин)
5. Вирусга қарши препаратлар суриш.

6. Тошмалар тошиши тухтатиши билан- кераатопластик моддалар:  
Облепиха., шиповник, зифир ёғи , каротолин, винилин, вабошқалар суриш.

Оғиз бушлиғи шиллик пардаси ўз фаолияти давомида доим механик, химик, физик таъсирловчилар билан таъсирланиб туради. Шиллик қаватни бехосдан шикастланиши, одатда даволанмаган ҳолларда ҳам тез битади. Лекин катта шикастлар натижасида вужудга келган шиллик қават заарланиши bemорни шифокорга мурожат қилишга мажбур қиласди. Шиллик қават ренгенерацияси-таъсирловчининг қандай турда, қанча вақт ва қандай куч билан таъсир қиганлигига, bemорнинг ёши ва турмуш тарзига боғлиқ бўлади. Ҳамма травматик жароҳатлар яллигланиш жараёнига олиб келади. Травма жойида эпителий бутунлиги бузилган бўлса, инфекция учун кириш дарвозаси бўлиб хизмат қиласди. Сурункали равища яллигланиб турган

шиллик қаватда усмали (онокологик) жараёнлар ривожланиши мумкин.

Травмалар механик, кимёвий, физик, нурли, ва аралаш бўлиши мумкин.

Катта ёшдаги болаларда кук йутал ёки сурункали бронхитлардатилюганчасининг шикастланиши хуружлийутал ҳисобига, тилнингкўпчикишинатижасидаолдинги пастки тишларнингкесувчиозаларитаъсиридавужудгакелади (Ригикасаллиги).

**Даволаш:** ОБШҚ травматик заарланиши даволаш учун касалликни чақиравчи сабабни юқотиш лозим. Вақтидан аввал чиққан сут тишларни олдириб ташлаш керак, чунки уларни структураси тўлиқ ривожланмаган бўлиб, тез емирилади, нафақат шиллик парда травмасини, балки одонтоген инфекция сабабчиси ҳам бўлиш мумкин. Танглайдаги ёт нарсаларни стоматологик шпател билан олса бўлади.

Янги тўғилган чақалоқлар афтасида биринчи бўлиб боланинг овқатланишини йўлига қўйиш лозим. Сунъий овқатланувчи болаларнинг сургичини кичикроғига алмаштириш лозим. Афта ва яраларни оғриқсизланитириш керак.

Болаларда оғиз бушлиғига ишлов бериш учун, кучсизроқ антисептиклардан (0.5% водород периоксида, мойчечак, чой, шалфей барглари, исирик) фойдаланиш, куч билан қарашларни кучириб артиш, куйдирувчи моддаларни ишлатиш қатиян ман этилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Беднаряраси жуда секин бир неча хафталардан бир неча ойгача битади.

Каттарок ёшдаги болаларда шикастланаётган тишнинг ўткир қирралари чархланади, оғиз бушлиғи санация қилинади. Педиатр билан маслаҳатлашиб, йўтал маркази фаолиятини сусайтирувчи дорилар берилади. Бола ва ота-онасига заарли одатни асоратлари ҳақида тушунча берилади. Агар бола заарли одатни ташламаса, болани психоневролог маслаҳатига юборилади.

Айрим болаларда лунж шиллик қаватини чандикли деформацияларида шиллик қаватини химояловчи вертикал усимтали ортодонтик аппарат такиши тавсия этилади.

Декубитал яралар антисептик ишловдан ташкари шиллик парданинг битиини тезлаштирувчи аралашмалар билан аппликация қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Адабиётлар:**

1. Т.Х. Сафаров, И. Халилов - Болалар терапевтик стоматологиясидан амалий қўлланма.Тошкент, Ибн Сино 1997 й.
  2. А.А. Колесов - Стоматология детского возраста.Москва, Медицина - 1991г.
  3. Т.Ф. Виноградова - Стоматология детского возраста.Москва, Медицина - 1987г.
  4. Т.Ф. Виноградова - Заболевания пародонта и слизистой оболочки полости рта у детей.Москва, Медицина-1986 г.
- Е.В. Боровский - Терапевтическая стоматология,Москва, Медицина- 1997г.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот: Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари**

**Ишдан максад :** Тингловчиларга стоматология фани бўйича тадқиқотлар ва уларни ўтказиш, таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар ўрни.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчилар гурӯхларда топшириқни ечишади.

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

**Муаммоли вазият (холат) —** муаммоли ўқтишнинг асосий элементи, унинг ёрдамида фикр, ўқувчиларнинг билим олишга эҳтиёжи уйғониши, фикрлаш активлашиши. -Муаммоли вазият ўз ичига нимани олади? Кайсилар унинг асосий компоненти? || деган саволга жавоб олиш учун — муаммоли вазиятни психологик структурасини, унинг дидактик имкониятлари ҳамда ўқитишда қўллаш шартларини тасаввур қилиш мухим.

Психологик структура бўйича муаммоли вазият фикрлаш каби анча мураккаб кўриниш бўлиб, нафакат предмет мазмуни балки шахсий мухитини ўз ичига олади.<sup>1,2</sup>

Булардан келиб чиқсан ҳолда, муаммоли вазиятни объект ва субъектнинг ўзига хос фикрлаш ўзаро таъсири тури, шундай руҳий ҳолатки бунда, субъект (ўқувчи) топшириқни бажаришда аввал субъектга маълум бўлмаган янги билим ва ҳаракат қилиш усулларини топишни талаб қилиади.

Кутилмаган қийинчилик ҳар доим инсонни ҳайрон қолдиради ва ақлий изланишга ундейди. Муаммоли вазиятдан чиқиш муаммони англаш, уни таърифлаш ва ечиш боғлиқ бўлади. Муаммоли вазият педагогнинг дидактик инструменти бўлиши учун муаммоли вазият турларини билиш керак. Адабиётда 20 дан ортиқ классификацияси маълум. Ўқувчиларнинг ҳаётий ҳолатлар, фактлар дуч келганда назарий тушунтириш талаб қилиниши

ўқувчиларни амалий ишини ташкил этишда;

ўқувчиларда ҳаётний ҳолатларни таҳлил қилиш истагини пайдо бўлишида, аввалги турмуш тасавурлар билан зидиятнинг пайдо бўлиши олиб келиши;

Гипотезаларни шакллантиришда.

- Ўқувчиларда солишириш, таққослаш ва қарши қўйиш истагини пайдо бўлиши;
- Ўқувчиларда янги фактларни умумлаштириш истагини пайдо бўлиши;
- Тадқиқотли топшириқларда.

Баллар кўриниши- даги баҳо	Россия рейтинг баллари кўринишида	Европа кредит тизимида рейтинг баллари		Талабалар салмоғига нисбатан баллар тақсимоти
		Баҳо	Аниқлик	
90-100	<b>Аъло</b>	A	<b>Аъло</b> (аъло даражада бажарилган кичик камчиликларга йўл қўйилган)	<b>10</b>
82–89		B	<b>Жуда яхши</b> (ўртадан кўра юқори баъзи камчиликларга йўл қўйилган)	<b>25</b>
75–81	<b>Яхши</b>	C	<b>Яхши</b> (Умуман тўғри бажарилган, лекин кўплаб камчиликларга йўл қўйилган.)	<b>30</b>
67–74		D	<b>Қониқарли</b> (ёмон эмас, лекин камчиликлар кўпроқ)	<b>25</b>
60–66	<b>Қониқарли</b>	E	<b>Етарли</b> (талабалар минимал ҳолда қондирилган.)	<b>10</b>
35–59		FX	<b>Қониқарли эмас</b> (қайта топшириш имкони берилади)	-
1–34	<b>Қониқарли эмас</b>	F	<b>Қониқарсиз</b> (курсни қайта ўқиши талаб этилади)	-

Ўзининг эффективлигини кўрсатган ва амалда ўзини исботлаган бошқа замонавий педагогик технологиялар мавжуд. Ўқишини

ривожлантирувчи ўқувчиларни интелектуал имконияларини очишга қаратилган технологиялар, ўқиши билан интеграция қилинган ўқитишига комплекс ёндашувни таклиф қилувчи турли хил вариантларни бунга киритиш мумкин.

Ривожлантирувчи ўқитишининг асосий психологик принциплари қўйидагилар:

- Турли хил фикралаш фаолияти турларининг оптимал ривожлантириш (яққол таъсир кўрсатадиган, амалий, яққол образли, мавхум бир тарзда, обстракт-назарий);
- Ўқитиши индивидуаллаштириш ва диференциация қилиш;
- Фикрлаш фаолиятининг ҳам алгоритмик, ҳам эвристик усусларини маҳсус шакллантириш;
- Мнемик фаолиятни маҳсус ташкил этиш<sup>2</sup>.

Ўзининг предмети билан бевосита интеграллашган жараёнлари мавжуд интегратив-педагогик концепциялар орасида айримларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар номланишида ҳам ўз аксини топган.

Бундайлар қаторига қўйидагилар киради:

- ижтимоий куч тарбияси интеграцияси концепцияси, педагогик билимларнинг предмет ичи интеграцияси концепцияси дидактик тизим синтези концепцияси;
- умумий ва профессионал таълим интеграция концепцияси;
- бошланғич профессионал таълим моҳияти интеграция концепцияси ;
- ўқитиши ташкил этиш шакллари интеграцияси ва диференциацияси концепцияси;
- олий таълим ва фундаментал фан интеграцияси концепцияси;
- ўқув муассасалар интеграцияси концепцияси (АҚШ, Ғарбий Европа) ва бошқалар.

Хозирда педагогик технология психодидактик, психология, кибернетик, бошқарув ва менежментга асосланади ва аввалдан режалаштирилган педагогик жараённи амалда режали ва босқичма босқич амалга ошириш тушунилади. Педагогик ҳаракатлар, операциялар, комуникациялар технологик занжири аниқ кутилаётган натижага шаклига эга мақсадли установкаларга мувофиқ курилади. Аммо ҳар қандай таълим технологияси – мувафақия гарови эмас. Асосийси, смарали таълим технологиялари ва педагогик шахси органик бирикиши хисобланади.

- 
1. Sánchez Carriero I, Mihm MC, Waner M. Laser and intense pulsed light in the treatment of infantile haemangiomas and vascular malformations. An Sist Sanit Navar. 2015;27 Suppl 1:103-15.
  2. Pence B, Aybey B, Ergenekon G. Outcomes of 532 nm frequency-doubled Nd:YAG laser use in the treatment of port-wine stains. Dermatol Surg. May 2015;31(5):509-17. [Medline].

Яна бир бор таъкидлаш керакки, педагог янги таълим парадигмасида ўқувчининг мустақил равишда актив ўқиши жараённада ташкилотчи, компетент маслаҳатчи ва ёрдамчи ролида иштирок этади. Бу рол ананавий зқитишдан кўра мураккаб ва педагогдан юқорироқ даражадаги профессионал-педагогик маданиятни талаб қиласи.

### **Назорат саволлари:**

1. «Педагогик технологиялари» тушунчаси.
2. Педагогик технологиянинг тузилмаси.
4. Замонавий авторлик педагогик технологиялар.
5. «Технология» тушунчасини таълим соҳасида, педагогик жараёнларда қўллаш.
6. Технологик ёндашув таълим соҳасида қандай имкониятлар яратади?
7. Интерактив ўқитишининг методларини айтинг ва уларнинг ўқитиши афзалликлари.
8. Инновация тиббиёт соҳасида ва ўқиши жараёнда қандай татбиқ қилинади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

3. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].
4. Sánchez Carpintero I, Mihm MC, Waner M. Laser and intense pulsed light in the treatment of infantile haemangiomas and vascular malformations. An Sist Sanit Navar. 2015;27 Suppl 1:103-15.
5. Pence B, Aybey B, Ergenekon G. Outcomes of 532 nm frequency-doubled Nd:YAG laser use in the treatment of port-wine stains. Dermatol Surg. May 2015;31(5):509-17. [Medline].

6. Li DN, Gold MH, Sun ZS, Tang AR, Wang HB, Sheng-Kang L. Treatment of infantile hemangioma with optimal pulse technology. J Cosmet Laser Ther. 2010 Jun;12(3):145-50.
7. Saafan AM, Salah MM. Using pulsed dual-wavelength 595 and 1064 nm is more effective in the management of hemangiomas. J Drugs Dermatol. 2010 Apr;9(4):310-4.

## **2-амалий машгулот. Стоматология фани ўқув жараёнининг янги интерактив усуллари.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга стоматология фани бўйича тадқиқотлар ва уларни ўтказиш, таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар ўрни.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

**Эвристик ўқитиш методи.** Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараённида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараённида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

-ўқувчи фаолиятининг тузилмаси - ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш;

- ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш;


- ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш - ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш;

- тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргалиқда ўрнатишида фаоллик кўрсатиш;

- уларни ечиш усулларини топиш;

- тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равища янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда 64 маълум ҳолатларда кўлланилади.

Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи- ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимиға шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган.



Баҳолаш-таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир. Assesment назорат тури - инсонни реал психологик хусусиятлари ва табиатини илмий баҳолаш имконияти.

Таълим натижаси - баҳолаш йўналишига кўра тестлар

- психологик
- педагогик
- интеллект даражасини аниқлашга қаратилган тестлар
- касбий лаёқатни аниқлашга қаратилган тестлар тип ва шаклига кўра: очиқ типдаги тестлар: бир тўғри жавобли, бир неча тўғри жавобли тестлар, муттаносиблик тести.

## **Назорат саволлари:**

- 1.** Стоматология фанларини ривожлантириш жараёнлари.
- 2.** Стоматология фанларини ўқитиш жараённанда инновациянинг роли.
- 3.** Замонавий педагогик технологиялар орқали хирургия фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
- 4.** Музокара (дискуссия) ўтказишнинг бта босқичини айтинг.
- 5.** Гурухли музокаранинг Зта устун томонини айтинг.
- 6.** Пед. технологиянинг горизонтал аспектига нима киради?
- 7.** Жаҳон педагогик технологияларни қандай турлари бор?
- 8.** Вертикал технологияларнинг турлари ва мақсади.
- 9.** Янги педагогик менталитет қандай шаклланади?
- 10.** Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
- 11.** Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
- 12.** Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараённанда фойдаланишининг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
- 13.** Музокара (дискуссия) ўтказишнинг бта босқичини айтинг.
- 14.** Гурухли музокаранинг Зта устун томонини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Jean M. Bruch Nathaniel S. Treister/Clinical Oral Medicine and Pathology.2016,USA
2. David A. Mitchell. Anastasios N. KanatasAn An\_Introduction\_to\_Oral\_and\_Maxillo 2015.
3. George A. Zarb, BchD(Malta), DDS, MS(Michigan), FRCD(Canada), John Hobkirk, Steven Eckert and Rhonda Jacob.-Prosthodontic Treatment for Edentulous Patients: Complete Dentures and Implant-Supported Prostheses|| 13 edition,2013,Canada
4. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,
5. Л.В.Голиш, Б. Ходиев Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**“Кейс-стади” методи.**

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотинитайёрлаш;</li> <li>✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

1-гуруҳ.

1. Вена томирлари варикоз касаллиги нима?
2. Вена қон томирларини варикоз кенгайиши таснифини гапириб беринг.
3. Сабабини айтиб беринг.
4. Ҳолат муаммоси ҳақида жадвални тўлдиринг.

Муаммо тури	Ҳолат муаммоларининг туғилиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари

## 2- гурух

1. Пародонт касаллигини қандай клиник белгиларини биласиз?
2. Қандай консерватив даволаш усулларнини биласиз?
3. Тишлов аномалияларда қандай даволаш тактикаси.

Холат муаммоси ҳақида жадвални түлдириңг

Муаммо түри	Холат муаммаларини туғилиш сабаблари	Муаммони етиш йўллари

2 - топшириқ

-Т-чизма] жадвални түлдириңг

Кесишган тишловни клиник курсаткичларини биласизми?	Шифокор оғиз бушлигини текшириш пайтида қандай касаллик түғрисида ўйлаш мумкин?

Кейс билан ишлаганда баҳолар кўрсаткичи мезони.

Аудиторияда ишлаганда баҳолар кўрсаткичини мезони.

Гурухнинг рўйхат	Фаол гурух мак. 10 б	Ахборот иллюстрацияси мак. 30 б	Тўлиқ ва аниқ жавоблар мак. 10 б	Жами мак. 50 б
1				
2				

50-48 баллар – аъло,

46- 38 баллар – яхши, 34- 36 баллар – қониқарли

34-32 қониқарсиз,

31 ва пасти – ёмон

Тингловчилар жребия асосида саволларни танлайди кейин 3 дақ тайёрганади ва ҳар биттаси ўзи танлаган саволга жавоб беради. Имконият туғилса бир-бирини тўлдиради ёки жавобларга ўқитувчи тўлдиради.

Бутун муаммони топиш ва уни ечимларини топиш. Системали, аналитик ва ижодий фикрлашни техникавий оширади.

### Қадамлари:

1. Диаграмма Венна тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурҳларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (х) тўлдирадилар.
2. Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.
3. Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.





### Интерактив ўйин «саволли тўп»

Кичгина қоғоз бўлагига мавзуга тааллуқли саволларни тўпга ёпишириди ва саволларга жавоббергандан кейин қоғозни олиб ташланади.

Тўпнитингловчиларни биригаотилади. Тўпни олган талаба қоғозга ёзилган саволлардан бирини олиб жавоб беради. Агар саволларни ҳаммасига тўғри жавоб берса кейин тўпни бошқа талабага беради. Шундай қилиб, саволларга тўлиқ жавоб бергунча давом этади.

### Вазиятли масалалар:

- Бемор 49 ёшда, юқори жағнинг ўнг томонлама хавфли ўсмаси сабабли ўтказилган комбинирлашган даводан 1,5 йил ўтгандан сўнг клиникага қайта мурожаат қилди. Беморга операция олди нур терапияси ўтказилган, юқори жағнинг ўнг томонлама ярим резекцияси (тавсия этилган экзетерацияси) кўз олмасининг олиб ташлашдан сўнг қатиј рад этган, ўнг томонлама Крайли операцияси қилинган. Операциядан кейинги даврда қўшимча нур терапияси ўтказилган, bemorга юқори жағга олиб қўйилувчи протез обтуратор тайёрлаб берилган. Ҳозирги даврда bemor ўнг кўзида экзофтальмга ва протез остидан вақти-вақти билан қон оқиб туришига шикоят қилмоқда. Кўрикда bemor ўнг кўзида экзофтальм аниқланади.

Ўнг пастки қовоқ кескин шишган.Оғиз бўшлиғидан қаралганда кўз косасининг тубида грануляцияни эслатувчи тўқиманинг ўсганлиги кўринади.Рентгенологик текширувда ўнг томон кўз олмасининг пастки қирғоги резорбцияси аниқланади.

- 1) Ташҳис қўйинг.
- 2) Беморга ташҳис қўйиш ва кейинги даволаш режасини аниқлашда яна қандай текширувлар ўтгазиш зарур?
- 3) Беморни кейинги даволаш режасини тузинг.

2. Бемор 50 ёшда, унда юзниг пастки қисмида чап томонлама пастки жағ соҳасида деформацияси бўлиб, буни у 2 йил олдин билиб қолган. Шиш ўлчамининг катталашуви секин ва оғриқсиз.Чап томонлама пастки жағ бурчагидан даҳангача бўлган,хосила устини қоплаб турувчи тери деярли ўзгаришсиз, харакатчан.Оғиз бўшлиғида пастки жағ танаси вестибуляр юзасида чап томондан ўтув бурма йўқ.Шиллик пардари вожланган қон томир кўринишида тортилган.Палпацияда зич, тўғри , оғриқсиз хосила аниқланади.Юз суюклари рентген текшируvida аниқ чегарали марказида тортмали тузилмалари бўлган қисми билан бирга кўринувчи деярли яққол сояланиш мавжуд.Пастки жағ ташқи компактплостинкаси ўзининг бутун йўналиши бўйича сақланган.

- 1) Юқоридагиларга асосан гап қандай касаллик хақида бўлиши мумкин?
- 2) Яна қандай текшириш усулини ўтказиш зарур?
- 3) Даволаш режасини тузинг.

### **«Галерея бўйлаб тур» методини қўллаш.**

Иш учун керакли:

1. Саволлар ва ситуацияон масалалар тўплами, уларни алоҳида варақларга чоп этилиши.

2. Тоза қоғоз вароқлар.
3. Рангли ручкалар (күк, қизил, қора).
4. Қўйилган рақамлар сони группадаги талабалар сонига тенг.

Иш йўналиши:

1. Гурухга кўра учун 3 гурухчага бўлинади, гурухча 3-4 одамдан иборат бўлади.
2. Ҳар бир гурухча алоҳида столга ўтиради, тоза қоғоз тайёrlайди ва рангли ручкаларни олади.
3. Варақда сана, гурух рақами, шу гурух талабалар исми шарифи ёзилади.
4. Гурухнинг бир иштирокчиси конвертдан савол ёки масала олади домласи томондан лозим топилган бўлиши керак.
5. Ҳар бир гурух учун алоҳида савол ёки масала бўлиб, уларнинг қийинлиги ҳар бир гурух учун таҳминан бир хил бўлади.
6. Вақт белгиланади 10 минут.
7. Кичик гурухлар 10 минут давомида берилган вазифани муҳокама қилишади вақт тугагандан кейин бошқа гурух аъзолари билан алмашинишади.
8. Бошқа гурух ундан олдинги гурух аъзоларини баҳолайди ва агар жавоб тўлиқ бўлмаса тўлдиришади агар жавоб нотўғри бўлиб ҳисобланса бу этапга яна 10 дақиқа қўшиб берилади.
9. Иш тугагандан кейин варакда 3 хил рангдаги ёзувлар бўлади.
10. Ишлар ўқитувчига топширилади.
11. Ҳамма иштирокчилар натижаларини муҳокама қилинади ва ҳаммасидан тўғрироқ жавобларни сайлаб олишади. Бу танланган жавоб юқори баллга эга бўлади.
12. Муҳокама учун 15 дақиқа ажратилади.
13. Энг тўғрироқ жавобни топган гурух максимал 100 балл билан баҳоланади, янимашғулотни теоритик қисми бўйича 2 ўринни олган гурух 85,9 билан баҳоланади. 3 ўринни олган гурух 70,9 билан баҳоланади.

14. Талабалар томонидан олинган баҳолар жорий баҳолар билан солишириб қўйилади.

15. Талабалар ишлари ўқитувчи томонидан сақланиб қолинади.

## **«ҚОРА ҚУТИЧА» УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ**

Ушбу усул машғулот давомида ҳамкорликда ишлаш ва ҳар бир тингловчиларни фаол қатнашишини кўзда тутади, ўқитувчи бутун гурух билан ишлайди.

Ҳар бир тингловчи қора қутичадан номаълум препаратнинг қисқа аннотацияси ёзилган карточкани олади. Тингловчилар ўз жавобларини асослаган ҳолда ушбу препаратни аниқлаши керак.

Тингловчига жавоб бериш учун З дақиқа берилади. Сўнгра жавоблар муҳокама қилинади, препаратнинг фармакодинамика ва фармакокинетикаситўлдирилади. Усулнинг оҳирида ўқитувчи берилган жавобларни муҳокама қиласи ва талабаларнинг фаоллигини аниқлайди.

Ушбу усул тингловчи нутқи, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ва тингловчида мустақил фикрлаш, мулоҳаза юритишни шакллантиради.

№	Баҳо	аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз	ёмон
	Ўзлаштириш%	100%-86%	85%-71%	70-55%	54%-37%	36% ва пости
2	Кейс-усул	50-43 баллар	42,5- 35,5баллар	35- 27,5баллар	27-18,5 баллар	18 баллар

### **Вазиятли масалалар:**

1. Жарроҳлик стоматология бўлимига бемор бир йил олдин ярали некротик стоматит ўтказганидан кейин оғиз очилишини чегараланишидан шикоят қилиб келди. Оғиз очилиши кўрилганида 0,5 см. Лунж шиллик қавати соҳаси пальпацисида чандиқ ретромоляр соҳасигача боради ва оғриқсиз, нотекис юзали, ўлчамли 5,0x6,0 см.

- 1 . Диагноз қўйинг.
  2. Касаллик натижасида ўзгарган тўқима номини айтинг.
  3. Даволаш режасини тузинг.
- 2.Бемор 22 ёшда шикояти оғиз оча олмаслиги , юз деформацияси.Анамнезидан 8 ёшида даҳан соҳасидан травма олган .Вақт ўтиши билан оғиз очилиши чегаралана борган ,даҳан чап томонга силжиган .Даҳан чап томонга силжиши ташқи томондан кўрилганда юз симметриясига олиб келаган.Лунж соҳасида ўнг томон зичлашган , чап томон юмалоқроқ.Оғиз очилиши 0.5 см. Бўғим бошчаси ҳаракати чапга ҳаракатланмайди.Пастки жағ ўрта чизиғи чапга 1.2 см силжиган . Юқори жағ тишлари елпифисимон олдинга силжиган.
- 1.Тахминий диагноз қўйиш
  - 2.Якуний диагноз қўйиш учун қандай қўшимча текширув ўтказиш керак.
- Жавоб**
- 1.ЧПЖБ анкилоз
  - 2.Рентгенологик текширув
- 3.Бемор 23 ёшида клиник –рентгенологик текширувда ўнг томон ЧПЖБ анкилози диагнози қўйилган .Касаллик З йил олдин олинган травма атижасида ривожланган, пастки жағ бўғим бошчаси юқори синиши аниқланган.Тигерштедт шина ёрдамида ортопедик даво ўтказилган. Г.П.Иоанидис операциясини қадамма-қадам ўтказиш.
- Жавоб**
- 1.Бўғим бошчасини кесиш.
  - 2.Конгломератни олиб ташлаш.
  - 3.Жағларни шиналар ёрдамида фиксациялаш.
  - 4.Қовурға суюги билан пластика.

### **График органайзер: - Балиқ скелети.**

Бир қатор муоммаларини тасвирилаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага киритиш ва таҳлил қилиш қўнималарини ривожлантиради.

### **Қадамлар:**

1. Чизмани тузиш қоидаси билан таништирадилар.
2. Алоҳида гурӯҳларда «суягида» кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муоммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзади.

1. Кичик гурӯҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, узларининг чизмаларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.


2. Иш натижаларни тақдимоти.

### «ФСМУ» усули

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди.

Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади. Технологияни амалга ошириш тартиби:

қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

-tinglovchinинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Контрактура сабаблари.
2. Тризм ва унинг сабаблари.
3. Чандиқли контрактура ва унинг сабаблари.
4. Оғриқли дисфункция синдроми.
5. Синдром сабаби.
6. Яллиғланиш характеристидаги контрактурани даволаш принциплари.
7. Чандиқли контрактурани даволаш принциплари-дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича мавзуларини ўрганиш.

Амалий машғулотларда тингловчилар муайян мавзулар бўйича маълум бир топшириқларни амалда бажарадилар. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича малака ошириш марказининг профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда маъruzаларга оид олган назарий билимларни амалий татбиқ этиш орқали дастлабки кўникмалар шакллантирилади.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Барқарорлик –</b>	доимий, мустаҳкам амал қилувчи ҳолатга эришиш, шунингдек, ушбу ҳолатнинг доимийлиги, мустаҳкамлигини ифодаловчи педагогик тушунчалар.	Permanent, independent position, storng position in the teaching system
<b>Билимсиз</b>	билим ва маълумотга эга бўлмаган ўқимаган шахс.	Fellow with knowledge and information
<b>Билиш</b>	таълим жараёнида ўқувчи ва тингловчиларга тақдим этилган ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражаси; 2) борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш.	1)Level of learning the given material 2) objective control of student information
<b>Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш – ўқитувчининг ўқув –</b>	–ва тингловчиларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи	Information about population, science and invoronment. Teacher and student cooperation work

	ёки тингловчиларга тақдим этиладиган назарий маълумот.	
<b>Билимдон</b>	катта назарий маълумотга эга бўлган ўқимишли, илмли, билимли шахс.	People with deep knowledge in current direction.
<b>Билиш компоненти-</b>	бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёл ва х.к.	Recognition of people , self recognition
<b>Илғор технологиялар</b>	Техник янгиликлар	Technik new devicec
абсцесс м.р.	1. yiringlash 2. (yiringlashga oid)	abscess
адаптация ж.р.	1. moslashuv 2 (moslashuvchanlik) 3. sharoitga moslashuv	adaptation
аллергия ж.р.	tananing yod narsalarga nisbatan kirishishiga aytildi	allergy
альтернатива ж.р.	muqobil; (alternative)	alternative
амплитуда ж.р.	biror jisim yoki hodisaning eng quyi huqtasidan eng yuqori nuqtasigacha tebranish	amplitude
ампутация ж.р.	1. kesib tashlash; (biror a'zoni kesib tashlash) 2. shoxlarini kesib tashlash	amputation
ана/мнез м.р. мед.	bemorning xayotiy kasalligini o`rganish	anamnesis
анастезия ж.р.	og`riq qoldiraman (xushsizlik)	anesthesia
анатомирование ср.р.	yormoq	anatomy

анаэро/бный биол.	xavosiz joyda yashamayman	anaerobic
анаэро/бы мн.ч. биол.	xavosiz joyda yashamayman	anaerobes
анги/на ж.р.	1. angina 2. tomoq og`rig`i	angina
анеми/я ж.р.	1. kamqonlik 2. kamqonlik kasaliga yuliqqan	anemia
антропометри/я ж.р.	boy uzinligini o`lchash	anthropometry
атрофи/я ж.р.	qurib qolish; (qurib qolishlik)	atrophy
аутенти/чность ж.р.	asliga to`g`rilik	authenticity
аффе/кт м.р.	1. jazava 2. jazavaga tushish	affect
бело/к м.р.	1. xim.oqsil modda	protein
беспоко/йство ср.р.	notinch, xavotir olmoq	anxiety
бинт м.р.	bint yaraga bog`lanadigan doka	bandage
болеутоля/ющий	og`riqni qoldiradigan	analgesic
голова/ ж.р.	1. bosh, kalla, 2. miyya, aql, idrok	head
го/лос м.р.	tovush; ovoz	vote
госпитализа/ция ж.р.	bemorni kasalxonaga yotqizib davolash	hospitalization
дви/гательный	harakatlantiruvchi	motor
движе/ние с.р.	harakat	motion
движе/ние с.р.	harakat	motion
де/рма ж.р.	teri to`qmasi	dermis
десна/ ж.р.	milk	gum
дефе/кт м.р.	kamchilik nuqson, illat	defect
деформа/ция ж.р.	shaklini o`zgartirish	deformation
дифференциа/ция ж.р.	farqlanish	differentiation
железа/ ж.р.	bez	gland
заты/лок м.р.	ensa	nape
зрачо/к м.р.	ko`z qora chig`i	pupil
зре/ние ср.р.	ko`rish, ko`z	vision
кле/точный	hujayraga oid	cellular
кровотече/ние ср.р.	qon ketish	bleeding
нèбный	tanglayga oid	palatine
о/блик м.р.	tashqi qiyofa	shape
ожо/г (сущ) м.р.	kuyish	burn
пласти/ческий	sillioq	plastic
пло/ский	yapaloq	flat
прободе/ние ср.р.	teshilish	rupture
пучо/к м.р.	bog`lam	sheaf

рвота ж.р.	ko'ngil aynishi	vomiting
резе/кция ж.р.	rezeksiya biror a'zoni kesib tashlash	resection
сетча/тка ж.р.	to`r parda (ko`zda)	retina
слези/ться /НСВ – прослези/ться /СВ (что? от чего?)	yoshlanmoq, ko`ziga yosh kelmoq	tear
слезоточи/вость ж.р.	ko`zi yoshlanib turish	lacrimation
слепо/й	ko`r	blind
слух м.р.	eshitish qobilyati	hearing
слюноотделе/ние ср.р.	tupuk chiqarish	salivation
слюна/ ж.р.	so`lak	saliva
те/мя ср.р.	bosh tepasi	crown noun
тошнота/ ж.р.	ko`ngil aynish	nausea
уши/б м.р.	lat yeyish	injury
цара/пина ж.р.	tirnalgan, (chaqa)	scratch
черепно/й	Boshtgi	cranial
че/репно-мозгово/й	boshki miyya	craniocerebral

### VIII. АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

#### Махсус адабиётлар:

1. George A. Zarb, BchD(Malta), DDS, MS(Michigan), FRCD(Canada), John Hobkirk, Steven Eckert and Rhonda Jacob.-Prosthodontic Treatment for Edentulous Patients: Complete Dentures and Implant-Supported Prostheses| 13 edition,2015,Canada
2. Jean M. Bruch Nathaniel S. Treister/Clinical Oral Medicine and Pathology.2016,USA
- 3.Michael Miloro. Peterson's Principles of oral and maxillofacial surgery.2015,USA
- 4.Alan B. Carr, DMD, MS and David T. Brown, DDS, MS. McCracken's -Removable Partial Prosthodontics| , 12 edition,2010,Canada
5. William R. Proffit, Henry W. Fields, David M. Sarver.Contemporary orthodontics (fifth edition).2012,USA
- 6.Pediatric dentistry- Richard Welbury, Monty Duggal. 2012.,C. 457-468, 37-45
- 7.Dentistry of child and adolescent Ralph McDonald, Jeffry A. Dean, 2014.,David A.MitchellAn Introduction to Oral and Maxillofacial Surgery,second edition (2015)
8. David A. Mitchell. Anastasios N. KanatasAn An\_Introduction\_to\_Oral\_and\_Maxillo 2015,
9. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.,
10. Л.В.Голиш, Б. Ходиев. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.

## **Интернет ресурслар:**

- 1.[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
- 2.[www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 3.[www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
- 4.[www.uz](http://www.uz)
- 5.[www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
- 6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
- 7.[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
- 8.<http://www.uforum.uz/>
- 9.<http://www.assc.uz/>
- 10.<http://www.xabar.uz>
- 11.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 12.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)